МАСЛАҲАТХОНА
Дунёнинг бир қанча йирик шаҳарларида пуллик автомат ўйинлари жуда кўпайиб кетган. Бизда бу борада аҳвол қандай? Ўзбекистонга ҳам бундай автоматларни олиб кириш мумкинми? 3 бет

КИТОБ ЎҚИЁТГАН ОДАМЛАР
Бугун одамлар пул топишаяпти, антиқа жиҳозлар, техника сотиб олишаяпти, шоҳона дастурхон ёзиб тўйлар қилишаяпти. Ҳамма нарсага етаётган пул болаларга китоб олишга келганда етмай қоляпти. 4 бет

БУЗИНДИВОНДАГИ ФОЖЕА
– Ўғлим Умарнинг ўлимига сабабчи бўлган жиноятчини кечиролмайман. Уч нафар норасида гўдаги онасидан эрта етим қолганди. Уни март ойларида иккинчи марта ўйлаб кўйгандик. Энди буёғи... 10 бет

ТУНГИ ШАРПАЛАР
Не кўз билан қарасинки, бироз олдин бекатда кўзига одам бўлиб кўринган қора кўланкалар бўрилар бўлиб, қизини ўртага олганча таларди. 12 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 17-yanvar, № 03 (576)

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ БЎЛАМИЗ

Ҳар йили мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида кенг нишонланади. Менинг назаримда бу байрам нафақат юртимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қилаётган, уни кўз-қорачиғидек асраётган ҳарбийларнинг, балки мана шу заминда истиқомат қилаётган, уни ўзининг жон-тани деб билган ҳар бир юртдошимизнинг байрамидир. Негаки шу Ватанда туғилиб ўсган, шу заминни ўзининг она юрти деб билган ҳар бир шахс уни турли хил тажовузлардан ҳимоя қилишга, зарур бўлганда жонини фидо қилишга мажбурдир. Бу унинг бурчи. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу ҳамманинг байрами. Уни кенг нишонлашга, байрам қилишга ҳақлимиз.

Ўтган шанба куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди. Тадбирни Бош прокурор Рашитжон Қодиров кириш сўзи билан очар экан, йиғилганларни, барча прокуратура ходимларини байрам билан табриклади. Прокуратура ходимларининг Ватанни ҳимоя қилишдаги, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги ўзига хос хизматларига алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан кейин Бош прокуратура раҳбарияти ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги намунали хизматлари учун тақдирланган бир гуруҳ прокуратура ходимларини юксак мукофотлар билан табриклаб, уларга орден ва медаллар топширишди.

Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига асосан Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Мираглам Мирзаев «Меҳнат шуҳрати» ордени билан, Қашқадарё вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлимининг катта терговчиси Хидир Каримов «Жасорат» медали билан, Бухоро вилояти прокуратураси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бўлими бошлиғи Халим Урунов «Содиқ хизматлари учун» медали билан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг катта ҳарбий прокурори Игорь Гречишный ва Тошкент шаҳар прокурорининг қонунчилик тарғиботи бўйича катта ёрдамчиси Лола Шамуратовалар «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар.

Мукофотлар топширилгандан кейин тақдирланганлар сўзга чиқиб, ўзларининг дил сўзларини билдиришди. Шундан сўнг тадбир шўх қўшиқ ва мусиқий чиқишларга уланиб кетди.

Байрам арафасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ прокуратура ходимларининг давлат мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонунийликни таъминлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг эътироф этилаётганидан далолатдир. Бу бизни янада шижоат билан ишлашга ундаб, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Ишончи оқлаш ва масъулиятни дилдан ҳис қилиш эса ҳар бир прокуратура ходимининг бурчидир.

Адҳамжон МАМАТАЛИЕВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш тамойили

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги фаолияти, аввало инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлигини ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган ва 14 декабрда матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 123-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунида юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми сифатида эълон қилинган мазкур қонун энг аввало жиноят иши юритилишида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш, тергов органлари фаолиятида қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. 123-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 332-моддаси учинчи қисмига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва унга кўра, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилиши белгиланди. Шунингдек, ишларни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур қонун билан тергов жараёнида юз бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим бўлган жиноят ишларининг бирлаштирилиши ва алоҳида иш юритувига ажратилишида тергов муддатларини ҳисоблашнинг аниқ механизмини белгиловчи нормалар жиноят-процессуал қонунчилигига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, тергов қилинаётган жиноят ишида унга боғлиқ бўлмаган бошқа янги жиноят аниқланган ҳолатда мазкур ишнинг қай тарзда (алоҳида иш юритувга ажратилган ҳолда ёки бир жиноят иши доирасида) юритилиши олдинги қонунчиликда аниқ белгиланмаган эди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 332-моддасига киритилаётган ўзгартириш тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, мазкур ҳолат бўйича жиноят ишининг бир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилишини қонунан кафолатлади. Ундан ташқари, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят ишининг ажратилиши тергов қилинаётган ва ажратилган жиноят ишининг тез ва тўла очилишига, жиноят содир этишда айбли бўлган шахслар доирасини тўғри аниқлаш ҳамда ушбу шахсларга адолатли жазо берилишини таъминлашга, айбсиз шахсларнинг жавобгарликка тортилиши ва ҳукм қилинишининг олдини олишга, тергов қилинаётган ва ажратилган жиноят ишидаги турли чалкашликлар ва ноаниқликларга барҳам беришга, тергов сифатини яхшилаш орқали қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларининг бирлаштирилиши ёки алоҳида иш юритувга ажратилиши жараёнида тергов муддатларини ҳисоблаш қоидалари аниқ белгиланмаган эди. Бу эса жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолатда дастлабки тергов муддати янги жиноят ишининг қўзғатилиши пайтидан бошлаб ҳисобланишига сабаб бўлар эди. Эндиликда эса, мазкур қонун билан жиноят ишларининг бирлаштирилиши ва алоҳида иш юритувига ажратилишида тергов муддатларини ҳисоблашнинг аниқ механизмини белгиловчи қоидаларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига киритилиши таъминланди. Хусусан, ЖПКнинг 351-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, жиноят иши бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланиши, бунда қолган жиноят ишлари бўйича иш юритиш муддати узоқроқ тергов қилинган ишнинг муддати билан қамраб олиниши ва қўшимча равишда ҳисобга олинмаслиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати, агар жиноят иши янги жиноят иши бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланиши, қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша жиноят иши қўзғатилган пайтдан эътиборан ҳисобланиши назарда тутилди. Бу эса тергов қилинаётган жиноят иши бўйича тергов муддати ҳамда қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг бундай эҳтиёт чораси муддатини ушбу жиноят ишига боғлиқ бўлмаган янги жиноят ишини тергов қилиш муносабати билан чўзилиб кетиши ёки узайтирилишининг олдини олади.

Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари

ХАБАР

Истиқболли лойиҳалар

Яқинда пойтахтимизнинг «Рэдисон SAS Тошкент» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди ғолиб деб топилган лойиҳаларни тақдирлаш маросимини ўтказди. Эслатиб ўтиш жоизки, ҳозирда республикамизда 5000 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари рўйхатдан ўтган. Улар жамиятимизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишмоқда. Бугунги кунда ушбу ташкилотларнинг роли ҳам тобора ортиб боряпти. Худди шундай нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бешинчи маротаба ўтказилган дастурда 70 дан ортиқ мақсадли лойиҳалар иштирок этди. Шундан 22 та ташкилот ННТ қўллаб-қувватлаш фонди тақдим этган 140 млн. сўм пул маблағлари, яъни грантларни қўлга киритди. Бугунги кунгача 92 та ташкилот ушбу фонд томонидан тақдим этилган грантлар соҳиби бўлишган.

Ёшларнинг суянчига айланиб бораётган ташкилотлардан бири — «Келажак овози» ҳам ушбу грантлардан бирини қўлга киритди. Улар ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мактабини ташкил этиш лойиҳаси билан иштирок этишди. Бундан кўриш мумкинки, ҳар бир ташкилот келажагимиз бўлмиш ёшларга катта эътибор билан қарамоқда.

Тақдирлаш маросимида 2008 йилда ҳукуматимиз томонидан ННТни қўллаб-қувватлаш учун 3 млрд. 100 минг сўм ажратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
журналист

АЛДАНИШ АЗОБИ

2006 йил май ойининг ўрталарида Отабек Мамадалиев Навоий шаҳрининг 9-кичик тумани ҳудудидаги бозорда спиртли ичимлик ичиб ўтирган таниши Иззатилло Исмоиловни кўриб қолди. Ўзаро суҳбат пайтида Иззатилло Отабекдан нега кўринмай кетганини сўради.

— Қозоғистонда уч ой ишлаб келдим, — деди Отабек беписанд.

— Қандай, яхши бўлдими? — Иззатилло яна қизиқсинди.

— Насибага яраша, ҳар ойига 6 минг тенге ҳақ тўлашди. Агар яхши ишласам ойига 200-250 доллар топишим мумкин эди-ю, шу соғлиғим бироз ёмонлиги панд берди-да.

Бу гаплар узу кун бекорчи бўлиб юрган Иззатиллога мойдек ёқиб кетди.

— Яна ишлагани бормайсанми?

— Айтдим-ку, соғлиқ кўтармаяпти. Устига устак паспортим ҳам йўқолган. Лекин борадиган бўлса, ёрдам беришим мумкин.

— Оғайни, биласан ҳозир ишсизман. Агар ўзинг ишлаган жойга олиб борсанг...

— Ростдан ҳам бормоқчимисан?

— Беҳазил!

— Майли, — Отабек Иззатиллонинг қарори қатъий эканлигини билиб, муддаога ўтди. — Агар ростдан ҳам борадиган бўлсангиз, бир ўзингиздан кўра ёнингизга яна бир неча киши олинг. Онамнинг олдига боринг, сизларни олиб бориб қўйиб келади...

Эртаси куни И.Исмоилов ва А.Ситдиқов ва Рамил исмли шахслар Отабекнинг онаси Ҳабиба Мамадалиеванинг Кармана туман Қ.Қаршиев кўчасидаги ҳовлисига боришди. Отабек онасига «Буларни мен ишлаб келган жойга — Ҳабашнинг жияни Ирланнинг қўлига топшириб келинг, Ирланнинг ўзи Ҳабашнинг олдига олиб боради», деди.

Ишга борувчилар у ёқдан келганларидан сўнг рози қилишларини айтгач, Ҳ.Мамадалиева кўнади. Ўша куни улар автошоҳбекатдан Тошкентга жўнаб кетишади.

Ҳабиба Мамадалиева ваъдага кўра уларни Қозоғистон Республикаси ҳудудига олиб ўтади ва Ирлан исмли йигитга топшириб келади...

Аммо ваъдалар сароб бўлиб чиқди. Улар оғир меҳнат қилиб, ўз ҳақларини ҳам ололмайдилар. Орадан икки ой ўтгач, Иззатиллонинг синглиси ва ўғли Ҳ.Мамадалиеванинг олдига келади. Унинг отаси оғир аҳволда ётганлигини айтиб, қайтаришни сўрайди. Ҳабиба Мамадалиева Ҳабашга қўнғироқ қилиб, Иззатиллони қайтариб юборишни тайинлайди. Лекин у келмайди. Негаки...

Мен алданганимни кеч тушуниб етдим. Бир куни Ҳабашдан иш ҳақини сўраганимда, у пулларингни Ҳабибадан оласизлар, 300 долларни унга бериб, сизларни сотиб олганман деди *(Жабрланувчи И.Исмоиловнинг кўрсатмасидан).*

Ноилож қолган Иззатиллонинг уйидагилар Ҳабибанинг ёнига бориб, ини топиб беришни сўрайди. Лекин ўзгариш бўлмади. Шундан сўнг ички ишлар ходимларига мурожаат қилишгач, Ҳабиба Ҳабашга қўнғироқ қилиб, И.Исмоиловни қайтариб юборишни сўрайди. Қўйиб юборгач, минг азоблар билан уйига етиб келади.

Суд мажлисида жабрланувчи Анвар Ситдиқов ҳам Отабек ва унинг онаси Ҳ.Мамадалиевалар уларни Қозоғистон Республикасига олиб борганликларини, Ҳабаш исмли кишига сотиб юборганини, 2006 йил май ойидан ноябрь ойига қадар оғир ишларда ишлатишганини, эвазига бир тийин ҳам пул ололмаганликларини, қийинчиликлар билан юртга қайтиб келганлигини, судланувчига нисбатан қонуний чора кўришликни сўраб кўрсатма берди.

Суд томонидан судланувчи Отабек Мамадалиев тегишли жазога тортилди. Кимларнидир алдаш ва уларнинг оғир меҳнати эвазига манфаат кўриш қанчалик тубанлигини энди англаган бўлса ажаб эмас.

Ахрор ХАЛИЛОВ,
Навоий шаҳар прокурорининг ўринбосари.
Абдуҳаким ҲАСАНОВ,
журналист

Ёшлар миллат келажагидир. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишларида эса мактабнинг ўрни беқиёс. Мустақиллик йилларида мактаб ва ўқитувчиларга бўлган эътибор бирмунча кучайтирилди. Давлат бюджетининг салмоқли қисми халқ таълими тизимига ажратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Мактабга эътибор келажакка эътибор

Афсуски, Мирзачўл туман прокуратураси томонидан «Бюджет тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ўрганилганда айрим ўқув муассасаларида бюджет маблағларининг ноқонуний сарфлангани, қўшиб ёзиш орқали талон-тарож қилингани ошкор бўлди.

Жумладан, тумандаги Собир Раҳимов номли 1-сон умумтаълим мактабининг фаолияти таҳлил қилинганда, бош ҳисобчи Г.Мухамбетованинг эътиборсизлиги туфайли 24 нафар ўқитувчига 103 минг 318 сўм иш ҳақи ортиқча тўлаб юборилганлиги аниқланди. Ана шундай ҳолат Аҳмад Яссавий номли мактабда ҳам содир этилганлиги текширишда маълум бўлди. 3 та ҳолатда ўқитувчиларга 24 минг 695 сўм ортиқча тўланган. Кўриб турганингиздек, «ортиқ»ча тўланган маблағлар ойлик маошнинг энг кам миқдорига ҳам тўғри келмайди. Агар ҳисобчилар ўз ишларига лоқайдлик қилмаганда бундай ҳолат юз бермасди.

Туманда фаолият кўрсатаётган агроиқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари фаолияти таҳлил қилинганда ҳам бир қатор молиявий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг хазиначиси К.Кенжабеков коллеж ходимлари Ш.Кучаров ва И.Кўчаровнинг хужжатда имзоси бўлмаса-да, хазина ҳисобидан уларнинг пулларини асоссиз чиқим қилиб юборган.

Туман халқ таълими бўлими туманда энг нуфузли ташкилотлардан бири. Бироқ текширишда бу ерда ҳам жиддий қонунбузарликлар аниқланди. Мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида товар-моддий бойликлар саноқдан ўтказилганда 145 минг 863 сўмлик жиҳозлар камомадига йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Прокуратура аралашувидан сўнг камомад нақд пул ҳисобида ундирилиб, давлат хазинасига ўтказилди.

Мактабга эътибор келажакка масъулият билан қараш керак. Шундай экан, халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўладиган барча муаммоларни бартараф этишимиз керак. Бунда халқ таълими соҳаси раҳбарлари ташаббусни ўз қўлига олишлари лозим. Ана шунда кўзланган мақсадга эришилади.

Бахтиёр ОРАЛОВ,
Мирзачўл туман прокурори

Иқтисодиёт қушандалари

Юртимиз асосан аграр соҳага ихтисослашганлиги боис ушбу йўналишга катта эътибор қаратиб келинаётир. Буни биргина деҳқон ва фермер хўжаликларига яратилаётган имкониятларда ҳам кўриш мумкин. Давлат томонидан берилаётган имтиёзлар эса соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Аммо шу ерда бир савол туғилиши мумкин; ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг барчаси ҳам соҳага мақсадли сарфланяптими? Афсуски, бунга ижобий жавоб бериш мушкул. Ажратилаётган кредитларни ўз манфаатлари йўлида ўзлаштираётган кимсалар ҳали-ҳануз орамизда учраб турибди.

«Ўзтрансгаз» АК собиқ ходими, ҳозирда «Liont-platinum» МЧЖ раҳбари Р.Абдуллаев, «Махсусэнергогаз» ОАЖ бош ҳисобчиси ўринбосари И.Усмоновлар бир неча мансабдор шахслар билан ширкат ва фермер хўжаликларига ажратилган имтиёзли кредитларни ноқонуний ўзлаштириш мақсадида ўзаро тил бириктиришиб, кредит маблағларини нақдлаштиришда ўзига хос «усул» ўйлаб топишган экан. «Режа»га кўра пул маблағлари бир корхонадан иккинчисига, ундан учинчисига, сўнг тўртинчи корхонага ўтказилиши ва охирги корхонадан бу пуллар нақдлаштириб олиниши керак эди. 2005 йил 25 ноябрь куни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан 315 млн. сўмлик «2005-Пахта ҳосили» номидаги 6-тартиб рақамли схемани тасдиқлайди. Бу схемани «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг «Бинолар ва иншоотларга хизмат кўрсатиш» дирекцияси раҳбари З.Сайдуллев иштирокида қалбакилаштириб, ижрога йўналтиришади. Шу тариқа «Ўзтрансгаз» АКнинг махсус ҳисоб рақамидан бюджетга йўналтирилиши лозим бўлган 50 млн. сўмлик маблағ қалбаки схема орқали ШК «Урганчтрансгаз» ҳисоб рақамига, ундан «Урганч универсал савдо» СХТКнинг махсус ҳисоб рақамига келиб тушади. Кўп ўтмай бу маблағ «ОНИКС» ОАЖнинг ҳисоб рақамига кўчирилади ҳамда пуллар ўзлаштириб олинади.

Иш хамирдан қил сугургандек силлиқ кетаётганидан руҳланган «уддабуронлар» ишни кенгайтириш пайига тушишди. Улар «Ўзтемирйўлмашгаъмир» УКнинг тепловозларни таъмирлаш заводи ҳисобчиси Ш.Мутеновни ҳам «сафлари»га қўшишди. Ш.Мутенов, Р.Абдуллаев ва И.Усмоновлар ширкат ва фермер хўжаликларига ажратилган имтиёзли кредитларни ўмариш пайида 2006 йил 23 март куни 393 млн. сўмлик 20-схемани қалбакилаштиришди.

Ушбу схемага кўра «Ўзтрансгаз» АКнинг ҳисоб рақамига 50 млн. сўм пул маблағи тушириладди. Корхона ушбу маблағ ҳисобидан бюджет олдидаги 25 млн. сўмлик қарзини узади, қолган 25 млн. сўм «Урганчтрансгаз» ШКга, ундан «Азия-Туронгаз Сервис» МЧЖнинг ҳисоб рақамига йўналтирилади. 2006 йил 12 апрель куни 31-сонли тўлов топшириқномасига асосан 25 млн. сўм пул маблағларини яна «ОНИКС» ОАЖнинг ҳисоб рақамига кўчиришга эришадилар. Шу тариқа 50 млн. сўм миқдоридаги мулк ўзлаштирилади.

Улар бу пулга ҳам қаноат қилишмади.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқишининг исботини ҳаётда кўп бора кўрганмиз. Ноқонуний фаолият билан даромад ортирган кимсалар учун жазо муқаррар. Юқорида жиноят содир этган кимсалар ҳам қонунда белгиланган тегишли жазони олишди.

Равшан МАШАРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси АМИБ терговчиси

Истеъмоли кескин ортадиган қиш ойларида табиий газ етиб бормаётган хонадон эгалари кўмир, ўтин ёқиб уйларини иситишга мажбур бўлишади. Тармоқларда газ босими камайиб кетишининг сабабларидан бири — айрим «тадбиркор»лар хонадонларидаги сабзавот, гул ўстиришга мўлжалланган теплицаларини тармоққа ўзбошимчалик билан улаб олишади. Ёки ҳовлиларида қўшимча қурган хоналарга тегишли тартибда рухсат олмасдан янги иситиш қозонларини ўрнатишади.

ГАЗ ТАЛАШИШНИНГ ОҚИБАТИ

Қизилтепа — мамлакатимизда донғи кетган минерал сувли сихатгоҳлар жойлашган қишлоқ. Йигирма тўрт ёшга кирган Бекзод Эргашев Амир «Уддабуронлар» умумий тармоқдаги табиий газни кўпроқ тортиб олишнинг янгича «усули»ни ҳам топишди. Уйларига кирган қувурга «моторча» ўрнатиб, газни сўриб олишяпти. Маҳалладошлари, қўшниларининг қувурларида, газплиталари ва иситиш қозонларида босим кескин камайиб, уйлари музхонага айланиб қолаётгани «ўзбошимча» худбинларни заррача ташвишлантирмаяпти. Бу каби ўзбошимчалик қўни-қўшнилар орасида жанжал чиқариб, баъзан аянчли оқибатларни келтириб чиқаряпти.

Темур кўчасидаги 22-уйда оиласи, ота-онаси билан турарди. Фожеа юз берган куни опаси болалари билан меҳмон бўлиб келди. Йигит газ тармоғидаги «моторча»ни ёндириб, оловни баландлатди. Қўшни Жума аканинг уйида бирданига зангори олов пасталаб, хоналар баттар совуди. Плитада овқат пишириш тугул, сув қайнатиш ҳам амримаҳол бўлиб қолди. Фотимахон опа қўшнининг уйига кириб, «моторчик ўлгурни ўчириб қўйинглар, бизнинг плита ёнмаяпти» деди.

— Битта, бизникидами «моторчик», бошқа уйдагилар ишлатмасин, мен ҳам ўчираман, — Бекзод уни қайириб ташлади. Аёл қарғади. Жанжал кучайди. Жума ака ўғли Ойбек билан чиқди. Бекзоднинг дадаси Абдулла акани инсофга чақирди. «Нима қилай, маниям уйим музлаб ётган бўлса», дея у ўзини иложсиз кўрсатди. «Биздан тепадагиларам шунақа қилиб, сўриб олишяптида!» Ташқарига чиқиб кетишаётганида Фотима опа ўғли Ойбекка «бор Азим акангни айтиб кел», деди.

Кўчада қўшнилар йиғилган, жанжал давом этаётганди. Ўша пайтда Бекзод ошхона пичоғини қўйнига солиб чиқди. Бироз ўтиб жанжал устига Азим ҳам етиб келди. Ўзаро тортишувлар Бекзод билан Азимнинг олишувига айланиб кетди. Атрофдагилар ерда ағанаб ётган икки йигитни ажратиб қўйишганда, негадир уларнинг бири ўрнидан турмади. Шундагини улар Бекзоднинг қўлидаги пичоқни кўриб қолишди. Яқинлашманглар менга, дея қонли пичоқни бошқаларга ҳам ўқталди. Бекзоднинг оғайниси ўртага тушиб, уни ўзининг ҳовлисига олиб кириб кетди. Кетаётиб у пичоқни ариққа ирғитди.

Азимжон Муротовни эса шошилинч машинада касалхонага олиб кетишди. Бироқ, йўлда унинг жони узилди.

Дастлабки терговда Бекзод Эргашев айбига иқрор бўлди. Лекин, «Азимжонни ўлдириш ниятим йўқ эди, пичоқни ўзимни ҳимоялаш, шунчаки қўрқитиш учун қўйнимга солиб олгандим, уриб йиқитганда ўзимни билмай, ўрнимдан туриб, тасодифан санчиб қўйдим», дея бехосдан бировнинг ўлимига сабабчи бўлиб қолганини таъкидлади. Бироқ, гувоҳлар кўрсатмаларига кўра у рақибига қасддан пичоқ билан ташланган, бошқаларга ҳам пичоқни ўқталганди. Суд жараёнида судланувчининг юқоридаги важлари асоссиз деб топилиб, ўн бир йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Ёши улуғлар, марҳумнинг ва маҳкумнинг ота-оналари муросамадора ўрнига бир-бирларига паст келмасдан оловга керосин сепишди. Фожеанинг билвосита сабабчилари бўлиб қолишди.

Бу каби жиноятларнинг олдини олиш учун туман газлаштириш идораси, маҳалла фуқаролар йиғинлари табиий газ тармоқларига ноқонуний уланиб олиш, «моторча»лар ўрнатиш каби ҳолатларни аниқлаб, бартараф этиб боришлари зарур.

Дилшод ҚУРБОНОВ,
Олтиариқ туман прокурори

ТЎЛОВ ҚАНЧА?

Мен тадбиркорлик билан шуғулланаман. Лекин фаолиятим юридик шахс мақомига эга эмас. Ўзим 2-гуруҳ ногиронман. Фаолиятим иш стажига қўшилиши учун энг кам иш ҳақи миқдорида ҳар ойда пенсия жамғармасига пул тўлаб бораман. Ана шу тўловнинг энг кам миқдори ўзи қанча?

Ж.МУЛЛАБОЕВ,
Самарқанд шаҳри

Бундай фаолият билан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда шуғулланиб келаётган шахсларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаб борадиган суғурта бадалларининг энг кам миқдори ҳар ойда Ўзбекистонда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги, ёшига оид пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган тадбиркорлар учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

Агар тадбиркор белгиланган тартибда фаолиятини тўхтатиб турган бўлса, бу пайтда суғурта бадаллари тўланмайди ва бу давр стажга қўшилмайди.

ХАЛҚАРО ЮК ҲУЖЖАТИ

Кейинги йилларда хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланиб бораётганлиги боис, Республикамиз ҳудудида ҳаракатланаётган жуда кўплаб чет эл давлатларининг юк автомашиналарини кўрамиз. Айтингчи, мазкур турдаги автомобиллар Ўзбекистонга келадиган ёки ҳудуддан ўтиб кетадиган бўлса, улардан қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Д.ШОИМБЕКОВ,
Фарғона вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сонли қарори 4-иловасида белгиланишича, автомобилларда халқаро юкларни ташувчиларда энг аввало ҳайдовчи, автомашина ва юкка оид ҳужжатлар бўлиши талаб қилинади.

Ҳайдовчига тегишли бўлган ҳужжатларга:

а) ҳудудлари бўйича юк ташиладиган мамлакатларнинг кириш-чиқиш ва юк олиб ўтиш визаларининг ҳақиқий муддатлари кўрсатилган чет эл паспорти;

б) халқаро ҳайдовчилик гувоҳномаси;

в) 1970 йил 1 июлдаги Европа битимига аъзо бўлган мамлакатларда юритиш назарда тутилган, автомобилда халқаро юк ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари экипажларига тааллуқли ҳайдовчининг шахсий назорат дафтарчаси киради.

Автомашинага тегишли ҳужжатлар:

а) автомашинанинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома;

б) автомашинанинг мамлакатга кириши ёки мамлакат ҳудуди орқали ўтиши учун (агар битимда назарда тутилган бўлса) рухсатнома;

в) 1975 йилги Халқаро йўл қоидалари тўғрисидаги Конвенция талабларига мувофиқ, автомашинага божхона муҳрлари ва пломбалари бўлган юкларни халқаро ташиш учун рухсат бериш тўғрисида гувоҳнома;

г) тез бузилувчи юкларни ташиш лозим бўлган ҳолларда тез бузилувчи маҳсулотларни (СПС гувоҳномаси) ташиш учун автомашинага рухсат бериш тўғрисида гувоҳнома.

Юкка тегишли ҳужжатлар:

а) юкларни халқаро йўлларда ташишга оид шартнома тўғрисидаги Конвенция талабларига мувофиқ, товар-транспорт накладнойи ва юкнинг ҳар бир номи бўйича юклаб жўнатиш тафсилоти бўлган рўйхати;

б) орқага қайтишда юкни расмийлаштириш учун товар-транспорт накладнойлари тўплами;

в) 1975 йилги Халқаро йўл қоидалари дафтарчаси қўлланган ҳолда Юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ, ХЙҚ дафтарчаси (ТИР карнети);

г) битта товар-транспорт накладнойи бўйича юклаб жўнатиладиган товарнинг ҳар битта партиясига бериладиган товарнинг сифат сертификати;

д) агар юк карантин ва ветеринария товарлари тоифасига кирса, карантин ва ветеринария сертификатлари;

е) агар юк ташқи савдо юки ҳисобланса, мамлакатга юкни олиб келиш, мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган рухсатнома. Агар юк корхоналарнинг тўғридан-тўғри алоқалари орқали идораларга қарашли транспорт билан ташилса, тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш тўғрисидаги шартнома ёки протокол нусхаси.

ТАҚИҚЛАБ ҚЎЙИЛГАН

Дунёнинг бир қанча йирик шаҳарларида пуллик автомат ўйинлари жуда кўпайиб кетган. Бизда бу борада аҳвол қандай? Ўзбекистонга ҳам бундай автоматларни олиб кириш мумкинми?

Л.УЛЛИБОБОЕВ,
Урганч шаҳри

Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, ноқонуний қимор ўйинларини ташкил этишга ҳамда уларга ўсмирлар ва ёшларни жалб этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш, қимор бизнесининг ривожланиши салбий оқибатларининг олдини олиш, ноқонуний қимор ўйинлари ташкилотчилари ва қатнашчиларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги 176-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2007 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

Ўзбекистон ҳудудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (шу жумладан тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш (тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотереялардан ташқари);

қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш;

Ўзбекистон ҳудудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш тақиқлаб қўйилди.

ҚОИДАГИ КЎРА...

Биз ишга қабул қилган ходимга дастлабки синов муддати белгилаган эдик. Яқинда унинг муддати ҳам тугайди. Лекин ходим қўйилаётган талабларга жавоб беролмаса-да, ишдан кетишни хоҳламаяпти. Шунинг учун у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда нима қилиш керак?

Х.АБДУЛЛАЕВА,
Қарши шаҳри

Синов натижаси қониқарсиз бўлганида, дастлабки синов муддати тугагунга қадар ходимни у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур муддат ўтганидан кейин шартномани бекор қилса бўлади.

МУҲТОЖЛАРГА УЙ

Менинг икки нафар фарзандим бор. Бошқа турар жойимиз бўлмаганлиги сабабли ота-онамизнинг уйида учта оила бўлиб турамиз. Лекин яшаш шароитимиз борган сари қийинлашиб кетаяпти. Эшитишимча, ҳозир биз каби оилаларга бўш турган уйлар, ётоқхоналардан жой берилаётган экан. Шу тўғрими? Бунинг учун нима қилиш керак?

З.САИДЖОНОВ,
Тошкент шаҳри

Ҳақиқатан ҳам давлат мулки ҳисобланган, вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги 144-сон қарорига мувофиқ тартибда ёш оилаларга бериш жорий қилинган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга кўра уй-жой олиш ҳуқуқига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ва уй-жой олиш учун ҳисобда турган қуйидаги ёш оилалар эга бўладилар:

— эр-хотиннинг иккаласи ҳам уй-жой мулкдорлари бўлмаган;

— оиланинг бир нафар аъзоси ҳисобига етти квадрат метрдан кам умумий уй-жой майдони билан таъминланган;

— уй-жойлар учун белгиланган талабларга жавоб бермайдиган хонада яшаётган;

— қариндошлик муносабатлари бўлмаган икки ва ундан кўп оилалар билан битта квартирада яшаётган;

— оиласи таркибида сурункали касалликнинг оғир шаклига чалинган ва алоҳида квартирада яшашга муҳтож бўлган бемор мавжуд бўлган ёш оилалар уй-жой олиш учун ҳисобга қўйилади.

Агар ёш оила ушбу асослар бўйича ҳисобда туриш ҳуқуқига эга бўлса, бундай оилалар ўз хоҳишига кўра бу асослардан бири ёки ҳаммаси бўйича ҳам ҳисобга қўйилиши мумкин.

Эр-хотин уй-жой шароитларининг ёмонлашишига олиб келган, бунинг натижасида ёш оила уй-жойга муҳтож деб эътироф этилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда бундай ёш оила уй-жой шароитларининг ёмонлашишига олиб келган, кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар содир этилган кундан бошлаб беш йилдан кейин уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобга қўйилади.

Уй-жойга муҳтож бўлган ёш оила сифатида ҳисобга туриш учун эр-хотиндан бири туман, шаҳар ҳокимлигига ариза билан мурожаат этиши лозим.

Ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза берган фуқарога ариза олинган сана кўрсатилган ҳолдаги тилхат берилади.

Шуни унутмаслик керакки, ёш оилага белгиланган мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой олиш ҳуқуқи бир марта берилади. Бундан ташқари, ушбу уй-жойлар хусусийлаштирилмайди.

ҚЎШИМЧА ПУЛ...

Мен касалхонада ҳамшира бўлиб ишлар эдим. 2007 йилнинг декабрида касалхона катта ҳамширасининг тазйиқи остида ишдан бўшашга мажбур бўлдим. Ҳозирда ўзимнинг ҳақлигимни исботлаш мақсадида ноқонуний ишдан бўшатганлиги юзасидан судга мурожаат этдим. Лекин у ерда ортиқ ишлашни хоҳламайман. Шунинг учун бундай ҳолатда судда ҳақлигимни исботлай олишим мумкинми?

Л.АҲМАДЖОНОВА,
Тошкент вилояти

Бу энг аввало сизни ишдан бўшатиш асосларининг нечоғли қонунийлигига боғлиқдир. Агар суд жараёнида ишдан бўшатиш ноқонуний эканлиги исботланса, суддан сизни ишга тиклаш ўрнига ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлик оқибатида кўрилган зарарни қоплашдан ташқари, ўз фойдангизга камида уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериши мумкин.

МАЖБУРИЙ ТЕКШИРУВ

Мен яқинда уйланмоқчиман. Лекин ФҲДЁга борсам, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш кераклигини айтишди. Бундай кўрик ўтказиш шартми?

Тиббий кўрик қайси соҳалар бўйича ўтказилади?

Агар мен текширув хулосасидан норози бўлсам, қаерга мурожаат этишим мумкин?

З.ТИЛЛАБОЕВ,
Сирдарё вилояти

Албатта шарт. Соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг мақсади ҳисобланади.

Бунда психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўрик ўтказилади.

Тиббий кўрик никоҳланувчиларнинг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларида ўтказилади.

Даволаш-маслаҳат комиссиясининг хулосасига рози бўлмаган тақдирда такрорий тиббий кўрик вилоят ва республика муассасаларида ўтказилади.

НОТАРИУСНИНГ ИШИ

Ҳуқуқшунослик институтини тамомлагандан кейин хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусда ишлаш ёки уни бошқариш мумкинми? Бунда иш стажи талаб этиладими?

ЗУЛФИЯ,
Тошкент шаҳри

Албатта ишлаш мумкин. Бунда улардан иш стажи талаб этилмайди. Нотариал идорада ишлашни хоҳлаган олий юридик маълумотга эга бўлганлар нотариал идорада стажировка ўтайдилар. «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси талаби бўйича нотариус лавозимида ишлаш учун эса олий юридик маълумот ва давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўташдан ташқари, малака имтиҳонини топшириш ҳамда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш лозим.

Ҳурматли муштарий! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб берадилар. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 133-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.

Саволларга Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори Отабек АТАКОВ жавоб берди

КИТОБ ЎҚИЁТГАН ОДАМЛАР

Кейинги пайтда газетамизнинг ҳар бир сонида муайян мавзуни «махсус мавзу» сифатида танлаб олинаётганидан хабарингиз бор. Бу сафар ёшларимизнинг китоб мутолаасига бўлган муносабатини «Махсус мавзу»га олиб чиқишга қарор қилдик. Мақсадимиз, Юртбошимиз ташаббуси билан «Ёшлар йили» деб номланган йилимизда ёшлар камолотига доир ҳеч бир мавзу эътибордан четда қолмасин.

Агар бехосдан кимдир сиздан охирги ўқиган китобингиз қандай номланишини сўраб қолгудай бўлса ва сиз эслай олмасангиз, демак, ё сиз жуда кўп китоб ўқийсиз ёки умуман китоб ўқимайдиган бахтли тоифага мансубсиз. Китоб ўқимаганларни бахтли тоифага киритаётганимга изоҳ беришдан олдин сўрамоқчиман: сизнинг-ча китоб ўқийдиган одам билан китоб ўқимайдиган одам ўртасида қандай фарқ бор?

Фикрингизни алмисоқдан қолган «ўқиган бошқа, уққан бошқа» деган гапдан бошламоқчи бўлсангиз, яхшиси гапирмай қўя қолинг.

Агар сиз ростдан ҳам ўзингизни мулоҳазали одам деб ҳисобласангиз, айтингчи, қайси бири замондан орқада қолган: китоб ўқийдиган одамми ёки китоб деган бошоғриқ матоҳга қиё боқмайдиган одамми?

Бироз мантиқсиз бу саволга икки хил жавоб тайин. Китоб ўқишдай бекорчи машғулотга вақт сарфлайдиганлар замондан орқада қолган одам дейдиганлар, бугунги тадбиркор ва ишбилармон, тараққиёт маҳсулидан бахраманд кишилардир. Иккинчи, яъни китоб ўқимайдиганлар тоифаси замондан орқада қолиб кетган бўлади, дейдиганлар эса замон шиддатини ҳис қилолмай, тўғрироғи, ҳис қилишни истамагани учун ишсизликка маҳкум бўлган, жуда омади чопганлари ҳам қуруқ маошга қаноат қилиб яшаётган одамлардир. Улар пулни пулга уруштириб пул топиш ёки ҳаводан пул ясай олишдек иқтидордан бенасиб қолган, аллақандай ўта китобий принципларига содиқ, яшаб келаётган тоифадир.

Ишсиз ёки бошқа омади келмаган одамларнинг ҳаммаси ҳам айнан китоб ўқишга чалғиб, омад аравасидан сирғалиб тушиб қолмагандир, деган эътирозингизда ҳам жон бор, албатта. Чунки унда кўпчилик ҳаётдаги омадсизликларини фақат китоблардан тўнкашига тўғри келган ва қайси бир замонлардагидек ҳамма китобларни чиқариб гулханга ташлашга тўғри келган бўлар эди.

* * *

Аммо лекин, китоб ўқишни канда қилмай туриб ҳам ҳаётдан завқ олиб яшаш мумкин экан. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Энди китоб ўқимайдиганларни «бахтли» тоифага киритганим сабабига келсак, улар ҳеч қачон «инсоннинг яшашдан мақсади нима», «дунё қандай ва қай мақсадда яратилган», «глобал муаммолар ечими борми», «инсоният келажаги», «жамият қандай тараққий топади»га ўхшаш «абадий», ҳали ҳеч ким жўяли жавоб тополмаган саволлар билан бошини қотириб юрмайди. Уларга бугунги куни қизиқ. Қолганини китоб ўқиётганлар ўйласин. «Китоб ўқиган жиноятчи энг хавфли жиноятчи» дейди эски танишимиз Шерлок Холмс. Чунки у... кўп китоб ўқиган, тамом.

Агар китоб ўқиётган одамдан «нега китоб ўқийсиз» деб сўрасангиз тайинли жавоб олишингиз қийин. Чунки китобга муҳаббат нозик, таъбир жоиз бўлса, ўта шахсий масала.

Менга қолса, китоб ўқиётган одамларни худбин одамлар деган бўлардим. Сабаби, улар атрофидагиларнинг бўлар-бўлмас, кундалик-маиший гапларига тоқат қилишдан кўра, инсониятнинг саралари билан гаплашишни афзал кўради. Китоб мутолаасиз ақлли инсон билан суҳбатда бўлишнинг ўзгинаси. Агар китоб ҳақиқатан ҳам яхши китоб бўлса, нур устига нур.

Китоб ўқиётган одам учун китоб ўқишдай лаззатбахш машғулотдан узоқ бўлган одамларнинг ҳар қандай гапи мантиқсиз, ҳаёт тарзи бемаъниликдай туюлади. Яшириб нима қилдик, китоб ўқиётган одамлар китоб ўқимайдиганларнинг устидан зимдан кулиб ёки уларга ачиниб яшайди. «Китоб ўқиган одам ўқимаган одамга қараганда маънавий бой бўлади» деган тушунча эса нисбий. Тўғри, маънавий озуқа берадиган китоблар кўп. Китобатдан мақсад ҳам шу аслида. Лекин китоб ўқимаганлар орасида ҳам маънавий бой одамлар анчагина.

Бошқалар битта оламда яшаса, китоб ўқиётган одамлар иккита, реал ва китоблар оламида яшайди. Бирваракайига икки оламда яшаш, менимча, барибир қизиқроқ.

* * *

Биздан катта авлод, яъни 50-60 ёшни қоралаб қўйган зиёлилар бир саволга жавоб тополмай бошлари қотган: ҳозирги ёшлар нега китоб ўқимай қўйди? Агар масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, ҳозирда бу савол бутун дунё зиёлиларини ҳам ўйлантириб қўйганини кўришимиз мумкин. Мисол учун, жаҳоннинг икки йирик салтанати — Россия ва АҚШда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасида россияликларнинг 37 фоизи, америкаликларнинг 43 фоизи умуман китоб ўқимай қўйгани маълум бўлган. Мутахассислар буни босма нашрлардан электрон нашрларга ўтиш жараёни, ТВнинг имкониятлари кенгайгани ва бу тезкор замонда вақт масаласининг муаммога айлангани билан изоҳлашмоқда. Юқоридаги мамлакат зиёлилари, кенг жамоатчилик буни катта муаммо санаб, аллақачон жиддий чора-тадбирларни бошлаб юборишган.

Уларнинг фикрича, китоб ўқимай улғайган авлоднинг интеллектуал салоҳияти паст бўлиш билан бир вақтда ватанпарварлик туйғулари ҳам сust бўлар экан. Мутолаадан узоқлашган халқ билан демократик жамият қуриб бўлмайди, улар тўғри қарор қила олмайди, уларни манипуляция қилиш жуда осон.

Ҳар қандай мамлакат истиқболи эса кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган, ватанпарвар авлоднинг камол топиши билан боғлиқ.

* * *

Катта авлод ҳозирги авлодга қараганда кўпроқ китоб ўқигани рост. Қандай китоблигининг аҳамияти йўғу уларнинг ўспиринлик ва ёшлик даврларида «оммавий китобхонлик» бўлган. Айтишларича, «Ёш гвардия» янги китоб чоп қилса, уни ёшларнинг аксарияти ўқиб чиқар экан. Мактабда бирорта йигит ёки қиз янги китоб сотиб олса, синфбоши уни ўқишга талабгорларнинг рўйхатини тузар экан.

Буни бошқача талқин қилиш ҳам мумкин. Дейлик, совет давлати ва маданияти гуллаб яшнаган ўша вақтларда одамлар информацияга бўлган талабини шу тариқа қондиришган ва ўз-ўзидан информация манбаалари чекланган, ташқи оламдан ажралиб қолган маконда «оммавий китобхонлик» авж олган. Иккинчидан, у вақтда ишсизлик муаммоси бўлмагани ҳолда одамларда бўш вақт кўп бўлган. Ҳар қандай одам, ҳар қандай маош билан оч қолмаган, қўшимча иш, бизнес деб биров жонини қойитмаган. Бўш қолаётган вақтида эса фаросати борлар китоб ўқиган, йўқлар эса, дейлик, ароқ ичишган.

Бугун эса муҳит ўзгача: одамлар пул топишаяпти, антиқа жиҳозлар, техника сотиб олишаяпти, шоҳона дастурхон ёзиб тўйлар қилишаяпти. Ҳамма нарсага етаётган пул болаларга китоб олишга келганда етмай қоляпти. Китоб ўқишга вақт йўқ. Қачонки, ишдан ҳайдалсак, бозоримиз синса, худо сақласину, касалхонага тушсаккина китоб ўқишга вақт топишимиз мумкин.

* * *

Цицерон айтган экан: «Китобсиз уй — бамисли жонсиз тана!»

Олим ака деган инсонни биламан. Чуқур билим, кенг тафаккур эгаси. Аммо ҳаётда бироз омади чопмаган одам. Хуллас, ўша одамнинг уйида беш мингдан кўпроқ китоби бор. Сара китоблар. Унинг шахсий кутубхонасига харидор чиқиб, беш миллион таклиф қилибди. Олим ака «мен китоб сотмайман» деб харидорни қайтаргач, хотини, болалари, таниш-билишларининг дашноми остида қолибди. Яқинда суҳбат асносида атай шу ҳақда гап очдим. «Бойлар болаларига мол-дунё мерос қолдиради. Мен бой эмасман, мерос қолдирадиганим шу китоблар. Майли, болаларим ўқимаса, невараларимдан бирортаси ўқир...» Қанақа одамлар бор-а орамизда!

* * *

Анча йиллар бурун, аспирантурада ўқиб юрган кезларимда тенгдошларимнинг китобхонлик даражаси ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун кичик бир тадқиқот ўтказиб кўрган эдим. Ўшанда, сўровномадаги «ўзингизни китобхон ҳисоблайсизми» деган саволга 99 фоиз респондентлар «ҳа» деб жавоб беришган, аммо кўпчилиги «бугунги кунда китобхонлик керакми» деган саволга жўяли жавоб беришолмаган эди.

Шунингдек, респондентларнинг ярмидан кўпроғи «Сизни чет эл адабиёти қизиқтирадими ёки ўзимизникими» деган саволга «чет эл адабиёти» деб жавоб бергани ҳолда «охирги ўқиган китобингиз» деб сўралганда «Шайтанат» деб жавоб беришган эди. «Охирги сотиб олган китобингиз» ва «шахсий кутубхонангизда нечта китоб бор» деган саволлар эса деярли очиқ қолди.

Мен ўшанда энг ачинарли деб ҳисоблаганим эса респондентларнинг аксарияти «Кўпроқ қайси жанрдаги китобларни ўқийсиз» деган саволга «детектив» деб жавоб бергани эди.

> ***!!! Бугун одамлар пул топишаяпти, антиқа жиҳозлар, техника сотиб олишаяпти, шоҳона дастурхон ёзиб тўйлар қилишаяпти. Ҳамма нарсага етаётган пул болаларга китоб олишга келганда етмай қоляпти.***

Савол-жавоб анкетасидаги «Сизнингча, бугунги ёш авлоднинг китобхонликдан узоқлашиб бораётгани сабаби нимада» мазмунидаги саволга кўпчилик респондентлар кирилдан лотин алифбосига ўтилганини, аксарияти ТВ, айримлари интернетни, икки нафари эса яхши китоблар йўқлигини сабаб қилиб кўрсатган эди.

Мен алифбо ҳақидаги фикрга унчалик қўшилмаганман. Аммо шундай бўлса-да, яқин ўтмишимиздаги улуғ адибларимиз ҳам ўзларининг ўлмас асарларини арабий имлода ижод қилишиб, тайёр бўлгач, кирилл ёзувига ўгириб чоп этишгани бор гап. Мисол учун, аллома Ойбек ҳам «Алишер Навоий»ни аввал араб имлосида ёзиб, сўнг «машинкачи»га бериб кирилчада тердирганини эшитганмиз. Демак, илҳом, ижод, тафаккур ва ёзув ўртасида ҳам қандайдир боғлиқлик бор эканда.

* * *

Аслини олганда, китоб мутолааси ҳам бир ижод! Муаллиф ижод қилар экан, ўзининг яшаётганини, туйғуларини ифодалайди, ўқиётган одам эса унга шерик бўлади.

Бутун дунёда шов-шувга сабаб бўлган «Алхимик» бизда оддийгина қабул қилинди. Ажабланарлиси, ўзини китобхон санаган тоифа ҳам уни қидириб топиб ўқимади. Тор доираларда, асосан, ёзувчилар «элита»си ўртасида муҳокама бўлди, холос. «Сариқ» матбуот саҳифаларини тўлдириш учунгина дунёга келган «ижод намуналари»нинг эса бозори чаккимас. Умуман олганда, бугунги ёшлар китоб ўқимаяпти десак, нохолислик бўлади.

Ишонмасангиз, китобларнинг нархини қаранг. Бозор кўтарадики, нархи осмонда. Уларни сотиб олишаяпти, демак ўқишаяпти. Нимани, қандай савиядаги китобларни ўқишаётгани, бу энди бошқа масала.

* * *

Хуллас, бугунги катта авлод вакилларининг бошини қотириб турган саволга жавоб топиш унчалик қийин эмасга ўхшайди. Шундай экан, у ҳақда кўп гапириб ўтирмай, ўсиб келаётган авлодни китоб мутолаасига жалб этиш учун қандай чоралар кўриш борасида фикрлашсак.

Эътибор берсак, кўпларнинг табиатида мутолаага мойиллик бўлади. Бу мойилликни муҳит пайдо қилади. Бу муҳит қаерда бўлади? Оиладами, мактабдами ёки бир бутун жамиятдами?

Яқинқариндошим бор, китоб «жиннниси». Нолиб қолади: «уй тўла китоб, болаларим китоб ўқимайди». Нега?

«Алп онадан» деган гап бор. Онасининг қўлида китоб кўрмаган бола китобга ўч бўлиб шакланиши қийин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, болада 2-5 ёшидан бошлаб информацияга ўчлик даври бошланар экан. Бу даврда кўпчилик ота-оналар болага китоб ўқиб беришдан маъни кўрмайди. Бола эсини таниб бўлгач, уни мажбурлаб ҳам китоб ўқишга қизиқтиролмайди.

Гарбда бугун бизда кечаётган жараёнларнинг кўпи билан тўқнаш келинган. Жумладан, бизни қизиқтираётган масалага ҳам.

Европада бу борада кутубхоналар кўплаб ташаббуслар билан чиқишган. Масалан, Чикаго метросида халқ кутубхонаси ташкил этилиб, бекатларида китоб кўргазмалари йўлга қўйилган. Поездга чиқаётган киши хоҳлаган китобини олиб ўқийверади, манзилига етгач, чиқаверишда ўша китобни яна токчаларга қўйиб кетади. Яқинда америкаликлар антиқа акция ўтказишди: кўзга кўринган давлат ва жамият арбоблари, кино ва спорт юлдузлари Капитолий майдонидаги скамейкаларда китоб ўқиб ўтиришади. Мақсад: болалар бу одамлар китоб ўқиганлари учун шундай юксак натижаларга эришган деб ўйласин! Биздаям ҳар хил артистлар билан бўладиган учрашувларда лоақал бир марта китоб ҳақида гапиришса ёмон бўлмасди. Донгдор спортчилар болалар билан учрашувларга келганида қўлига битта китоб оливолса...

ТВда кўп гап бор. Болаларга бағишланган кинофильмлар ичида «Кичкина табиб»дан бошқасида китоб ўқиётган бола образи йўқ.

Яна бир муҳим масала: кутубхоналар. Ҳозир нечта кутубхона бор ва уларнинг нечтаси ишлаяпти? Умуман, бизга нечта кутубхона ва нечта китоб дўкони керак? Мактабларда китоб мутолаасига эътибор қандай? Ўқитувчи ўқувчисини китобга қизиқтира олаяптими? Шу ва шунга ўхшаш оддий масалаларнинг ечими топилса, кифоя.

Агар адашмасам, болаларга бағишланган кинофильмлар ичида «Кичкина табиб»дан бошқасида китоб ўқиётган бола образи йўқ.

Яна бир муҳим масала: кутубхоналар. Ҳозир нечта кутубхона бор ва уларнинг нечтаси ишлаяпти? Умуман, бизга нечта кутубхона ва нечта китоб дўкони керак? Мактабларда китоб мутолаасига эътибор қандай? Ўқитувчи ўқувчисини китобга қизиқтира олаяптими? Шу ва шунга ўхшаш оддий масалаларнинг ечими топилса, кифоя.

Шавкат ЁДГОРОВ,
«Huquq» мухбири

Ҳафталик теледастурлар

Сиқиқ TV

2008-yil 17-yanvar, № 03 (576)

Моҳият

Дўстдан ажралмасликнинг ягона йўли уни сотмасликдир.

У.МИЗНЕР

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

21-yanvar, Dushanba

07.00, 13.00, 14.30, 17.30 Ўзбек наволари
08.00, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 53-серия (такрор)
08.30 «Total news»
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 5-серия
10.20 Мировые хиты
10.30 Концерт
12.30, 18.00 «Премьера» (ўзб)
13.30, 19.00 «Премьера» (рус)
14.00 Мировые хиты
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 54-серия
19.30 Сериал «Хонаки эркак» 6-серия
20.50 Ўзбек наволари
22.00 Х/ф «Свидание вслепую»
23.50 Миксер

22-yanvar, Seshanba

07.00, 08.30, 11.30, 12.05, 14.00, 18.05, 19.05 Ўзбек наволари
08.00, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 54-серия (такрор)
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 6-серия
10.20, 13.05, 17.30, 20.50 Мировые хиты
11.00 Сериал «TALABALAR.UZ» 9-серия
12.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультфильм
17.00 «Премьера» (узб)
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 55-серия
19.30 Сериал «Хонаки эркак» 7-серия
22.00 Х/ф «В ловушке времени»
00.05 Миксер

23-yanvar, Chorshanba

07.00, 08.30, 11.30, 12.05, 14.30, 17.30, 18.05, 19.05, 20.50 Ўзбек наволари
08.00, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 55-серия (такрор)
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 7-серия
10.20, 13.05, 14.00, 17.00 Мировые хиты
11.00 Сериал «TALABALAR.UZ» 10-серия
12.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
13.30 «Премьера» (рус)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультфильм
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 56-серия
19.30 Сериал «Хонаки эркак» 8-серия
22.00 Х/ф «12 стульев» худ.фильм
00.50 Миксер

24-yanvar, Payshanba

07.00, 08.30, 11.00, 13.05, 14.30, 17.00, 18.05 Ўзбек наволари
08.00, 21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 56-серия
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 8-серия
10.20, 12.05, 14.00 Мировые хиты
10.30 «Премьера» (ўзб)
12.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультфильм
17.30 Мировые хиты
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 57-серия
19.05 Ўзбек наволари
19.30 Сериал «Хонаки эркак» 9-серия
20.50 Мировые хиты
22.00 Х/ф «Алая буква»
00.30 Миксер

25-yanvar, Juma

07.00, 08.30, 11.00, 12.05, 13.05, 15.00, 17.30, 18.05, 19.05, 20.50 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 57-серия
09.00 Сериал «Хонаки эркак» 9-серия
10.20 Мировые хиты
12.00, 18.00 Марказ NEWS (ўзб)
13.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)
14.00 Мировые хиты
15.30 «Бэби хитс»
16.00 Мультфильм
17.00 «Премьера» (рус)
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 58-серия
19.30 Сериал «Хонаки эркак» 10-серия
21.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 57-58 сериялар (такрор)
22.30 Х/ф «Осень в Нью-Йорке»
00.30 Миксер

26-yanvar, Shanba

07.00 Ўзбек наволари
08.30 Мировые хиты
09.30 «Бэби хитс»
10.00 Мультфильм
12.00 Мировые хиты
13.00 Ўзбек наволари
14.30 Сериал «TALABALAR.UZ» 9-10 сериялар
15.30 Ўзбек наволари
16.30 Х/ф «Тот самый Мюнхаузен»
19.00 «Шанба оқшомида»
19.30 Ўзбек наволари
20.00 «Премьера» (ўзб)
20.30 Мировые хиты
21.00 Ўзбек наволари
21.30 Сериал «TALABALAR.UZ» 11-серия
22.00 Х/ф «Обитель зла»
00.00 Миксер

27-yanvar, Yakshanba

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Мировые хиты
09.00 «Шанба оқшомида»
09.30 «Бэби хитс»
10.00 Мультфильм
12.00 Мировые хиты
13.00 Ўзбек наволари
14.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ» 54-58-сериялар
17.00 Концерт
19.00 «Total news»
19.30 Ўзбек наволари
20.00 «Премьера» (рус)
20.30 Ўзбек наволари
21.30 Сериал «TALABALAR.UZ» 12-серия
22.00 Х/ф «Обитель зла-2»
23.50 Миксер

Kamalak канали ҳафталик дастури

21-yanvar, Dushanba

12.00, 14.10 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Арк»
14.30 Х/ф «1001 ночь» 1-серия
16.00 М/ф
16.20 Музыкальная\дорожка
17.00 Х/ф «Новичок»
18.30 Музыкальная дорожка
19.10 Х/ф «13 район»
20.30 Музыкальная дорожка
21.10 Х/ф «Путь оружия»

22-yanvar, Seshanba

12.00, 14.10 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Титан»
14.30 Х/ф «1001 ночь» 2-серия
16.00 М/ф
16.20 Музыкальная дорожка
17.00 Х/ф «Блондинка в законе»
18.30 Музыкальная дорожка
19.10 Х/ф «Стиратель»
21.00 Музыкальная дорожка
21.40 Х/ф «Играй как Бэкхем»

23-yanvar, Chorshanba

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Динозавр»
14.25 Х/ф «Майская ночь»
15.25 М/ф
15.45 Музыкальная дорожка
16.25 Х/ф «Блондинка в законе 2»
18.00 Музыкальная дорожка
18.40 Х/ф «Скала»
20.50 Музыкальная дорожка
21.30 Х/ф «Тельма и Луиза»

24-yanvar, Payshanba

12.00, 14.05 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Прочь из школы»
14.25 Х/ф «Василий Буслаев»
15.45 М/ф
16.05 Музыкальная дорожка
16.45 Х/ф «Особенности национальной рыбалки»
18.20 Музыкальная дорожка
19.00 Х/ф «Азуми»
21.20 Музыкальная дорожка
22.00 Кино ХИТ «Человек невидимка 2»

25-yanvar, Juma

12.00, 14.20 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Гарага»
14.40 Х/ф «Стюарт Литл 2»
16.00 М/ф
16.20 Музыкальная дорожка
17.00 Х/ф «Неужто все боги сошли с ума»
18.45 Музыкальная дорожка
19.25 Х/ф «Провинция тигра»
21.05 Музыкальная дорожка
21.45 Большое кино «Шанхайский полдень»

26-yanvar, Shanba

10.00, 11.35 Клип минутка
10.20 М/ф «Возвращение кота»
11.55 М/ф «Добрыня Никитич и змей Горыныч»
13.00 Рейтинговый фильм
14.20 Кино ХИТ «Человек невидимка 2»
15.50 Музыкальная дорожка
16.30 Х/ф «Васаби»
18.00 Музыкальная дорожка
18.40 Х/ф «Ни жив, не мертв»
20.20 Музыкальная дорожка
21.00 Х/ф «Адвокат дьявола»

27-yanvar, Yakshanba

10.00, 11.30 Клип минутка
10.20 М/ф «Иосиф царь сновидений»
11.50 М/ф «Вук»
SPORT

8.00 «Хабарлар» (ўзб.)
8.20 «Кувноқ стартлар».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 «Хабарлар» (рус)
10.20 Мультфильм.
10.35 «Пока все дома».
11.25 «Фазенда».
12.00 «Вокруг света».
12.45-13.35 «Проф-РИНГ».
* * *
15.55 Футбол. Кубок чемпионов Содружества. Финал. Прямая трансляция. Танаффусда «Тет-а-тет».
17.55 «Мусиқий тайм».
18.10 «Тайм-аут».
18.30 «Версия».
19.00 Еврофутбол. Англия кубоги. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Футбол мундиал».
20.55 «Спорт уик-энд».
21.30 «Талқин».
22.00 «Две звезды».
23.00 Кубок Первого канала. Футбол. ЦСКА – «Шахтер» (Донецк). Прямая трансляция.
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

7

06.00, 10.00, 12.00 Новости
06.25 «Месть»
07.15 Х/ф «Вертикаль»
08.40 «Армейский магазин»
09.10 «Умницы и умники»
10.15 «Непутевые заметки»
10.35 «Пока все дома»
11.25 «Фазенда»
12.10 Мультипликационный проект «Гора самоцветов»
12.40 «Русский клондайк»
13.40 Х/ф «Подруга особого назначения»
16.55 Х/ф «Царь скорпионов»
18.35 сезона. «Магия десяти»
19.30, 21.45 «Две звезды»
21.00 Воскресное «Время».
23.00 Кубок Первого канала. Футбол. ЦСКА-»Шахтер»(Донецк)
01.00 «Национальная безопасность»
02.35 Х/ф «Мистер Бин»
04.10 «Формула сексуальности»

РОССИЯ

05.50 Детектив «В полосе прибоя».
07.30 «Сельский час».
08.00, 11.00, 14.00 «Вести».
08.10, 14.20 «Местное время. Вести - Москва».
08.20 «Диалоги о животных».
08.55 «Вся Россия».
09.10 «Смехопанорама».
10.05 «Сам себе режиссер».
11.10 «Местное время. Вести - Москва». Неделя в городе.
11.50 «Городок».
12.20 «Сто к одному».
13.15 «Парламентский час».
14.30 «Фитиль №163».
15.15 «Вести. Дежурная часть».
15.45 «Честный детектив».
16.15 Т/с «Телохранитель». «Ближний круг».
20.00 «Вести недели».
21.05 «Специальный корреспондент».
21.35 Х/ф «Презумпция вины».
23.40 Боевик «Ударная сила».
01.25 Комедия «Соседка».
03.40 Комедия «Прекрасная Рита».

НТВ

07.00 М/ф.
08.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».
08.15 Лотерея «Русское лото».
08.45 «Дикий мир».
09.05 «Счастливый рейс».
10.20 «Едим дома».
10.50 «Их нравы».
11.25 «Авиаторы».
11.55 «Quattroruote».
12.30 «Один день. Новая версия».
13.25 Х/ф «Личной безопасности не гарантирую».
15.05 «Своя игра».
16.20 Д/с «Победившие смерть».
16.55 Т/с «Сыщики».
19.55 «Чистосердечное признание».
20.25 «Чрезвычайное происшествие».
21.00 «Главный герой».
22.10 «Воскресный вечер».
23.25 Х/ф «Шпионские страсти».
01.15 Х/ф «Замужем за мафией».
03.20 Т/с «Клиент всегда мертв 5».
04.25 Т/с «Детектив Раш 3».
05.15 Т/с «Любовь вдовца 4».

ТНТ

06.00 М/с «Котопес».
07.00, 07.30, 08.00 М/с «Настоящие монстры».
08.25 Наши песни.
09.00, 21.00 «Дом 2. Город любви».
10.00 Школа ремонта.
11.00 «Cosmopolitan».
12.00 Т/с «Женская лига».
12.25 Т/с «Саша+Маша».
13.15 Мелодрама «Шаг вперед».
15.20 Мелодрама «Танцор диско».
18.00 «Танцы без правил».
19.00 Такси в Питере.
19.30 «Женская лига: Парни, деньги и любовь».
20.00 «Битва экстрасенсов».
22.00 Комедия «Комеди Клаб».
23.00 «Женская лига: Парни, деньги и любовь».
23.30 «Смех без правил».
00.30 «Секс».
01.00 «Дом 2. После заката».
01.30 Наши песни.
01.45 «Дом 2. Жара».
02.40 «Офис».
04.30 Антология юмора.

ТВ

08.00 «Упс!»
09.00 М/ф.
09.30 М/ф «Черепашки-ниндзя».
10.30 М/ф.
11.00 Т/с «Мурашки», 33 и 34 с.
12.00 Х/ф «Тайна золотой горы».
14.00 «Упс!»
15.00 Мистика звезд.
16.00 Х/ф «Испектор Клузо».
18.00 Х/ф «Белые халаты».
20.00 М/ф «Мистика звезд».
21.00 Д/ф «Городские легенды. Москва. Сталинские высотки».
22.00 «Продавцы страха».
23.00 Х/ф «Магма».
01.00 Т/с «Мастера фантастики», вып. 6.
02.00 Х/ф «Черная книга».
04.00 Культ наличности.
07.00 Муз. Relaks.

DTV

08.00 Удачное утро.
08.50 Музыка.
09.00 Чемпионат анекдотов.
10.00 Тысяча мелочей.
10.30-12.30 М/ф.
12.30, 13.00 Т/с «Агентство Алиби».
13.30 Х/ф «Подземелье драконов: Источник могущества».
15.30, 23.00 Самое захватывающее видео.
16.30, 17.35 Х/ф «На углу, у Патриарших».
18.35 Т/с «Шпионы и предатели».
19.30 Смешная реклама.
20.00, 20.25 Самое смешное видео.
21.00 Территория призраков.
22.00 Невероятная коллекция мистера Рипли.
00.00 Т/с «Морская полиция. Спецотдел».
01.00 Т/с «Плейбой из Калифорнии».
01.30 Бой за звание официального претендента по версии IBF в супертяжелом весе. А. Поветкин - Э. Чамберс.
02.40 Т/с «Лас-Вегас».
03.35 Т/с «Автодром».
04.45 Ночной клуб.
06.45 На ринге. Новая битва.
07.30 Музыка.

08.00 Х/ф «Кащей Бессмертный».
09.15 «Полет на Луну».
09.55 М/с «Флиппер и Лопака».
10.20 М/с «Смешарики».
10.30 М/с «Просто Норман».
11.00 М/ф «Шоу Тома и Джерри».
11.15 «Самый умный».
13.00 «Галилео».
14.00 «Снимите это немедленно!»
15.00 М/с «Чип и Дейл спешат на помощь».
16.00 М/с «Скуби Ду».
17.00 М/с «Геркулес».
18.00 6 кадров.
18.30 Т/с «Шаг за шагом».
19.00 Т/с «Зачарованные».
22.00 «Кто умнее пятиклассника?»
23.00 Х/ф «Пророк». (США).
00.45 «Слава Богу, ты пришел!»
02.00 Церемония вручения свадебной премии «Брак-2007».
03.10 Х/ф «Штат одинокой звезды».
04.55 Х/ф «Карандиру».

Китобхонлик қачон урфга айланади?

Курсдошимдан SMS келди:

«Сизга азим Тошкентдан,
Бир келишган йигитдан
Муҳиддинбек отлиқдан
Эзгу тилак, сўз келди...»

Жавоб тариқасида миннатдорчилик билдираётиб, *«Бундай гўзал мисраларни ўзингиз битдингизми?»* дея мақтаб қўйдим. Шу одамларни мақтасанг жуда ёйилиб кетади-да. Навбатдаги SMSга қаранг: *«Ўзингиз нима деб ўйлайсиз?»*

«Албатта ақлли кишиларнинг ишлари ҳам номақбул бўлмас!» SMS кетди.

«Оҳ-ҳо, шундай гапга чечан курсдошимиз бор экану, биз билмай юрган эканмиз» — «Ўтган SMSлар» муаллифининг топган гапи.

Ана энди менинг аҳволимни кўринг. «Ўтган кунлар»ни кўп марта ўқиган бўлсамда, айтишувни давом эттирувчи бирорта ҳам жумла ёдимга келмасди. Охири топдим:

«Нега ҳамма нарсага етган ақлингиз шу ерга келганда оқсайдур?!»

Телефоним нақ ярим соатча сукут сақлади. Бу орада Муҳиддиннинг терлаб-пишиб китоб варақлаётганини кўз олдимга келтирдим.

«Сиз ютдингиз, Равно! Меҳробдан SMS».

Ўйлаб қоласан киши — агар Қодирий даврида ҳам SMS хизмати бўлганидами, Ўзбекойим марғилонлик «анди»га ўзининг «ширин» саломларини йўллар, Офтобойим билан Мирзакарим қутидор эса ўзларининг якка-ю ёлғиз қизларини бундай «уятсиз» қуёвга ишониб топширишмас эди. Оқибатда Зайнаб Кумушни заҳарламасди, Ўзбекойим қора кийимасди. Курсдошим билан мен «Ўтган кунлар»ни ўқимаганимизда, бундай чиройли ёзишув ҳам бўлмасди. Ҳатто ўйинга қизиқиб, SMSлар учун тўланажак ардоқли стипендиямиз ҳақида ҳам ўйламасдик. Ҳа, майли, бундай «ўқимишли» йигит-қизлардан уяли алоқа компанияларига фойда тегса тегибди-да. Ўзи китобнинг вазифаси инсониятга аввалам-бор маънавий, сўнг моддий манфаат келтириши-дир.

Дени Дидро шундай дейди: «Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар». Ушбу иқтибосдан келиб чиқсак, ҳозирда бизнинг жамиятимиз қай даражада фикрлаяпти? Куни кеча газетага обуна бўламан деб почтага боргандим. Мақсадимни эшитган почта хизматчиси кўзларига ишонмасди: «Қизиқканим учун обуна бўлмоқчиман дейсизми? Ишонмайман!».

Тўғриси, китоб, газета, журналларнинг аксарият қисми солиқ инспекциясининг ҳисобот балансига ўхшашда давом этаверса ёхуд уларнинг қадри қанча писта ўраш ёки дераза, ромларнинг тешикларига ёпиштириш билан ўлчанаверса, бундай жамиятнинг соғлом фикр юритаётганига мен ҳам ишонмайман.

6 январь куни турли фанлар бўйича ҳар йили ўтказиладиган Республика олимпиадасининг II босқичида қатнашдик. Ёшларнинг бадиий адабиёт ўқишга бўлган интилишларини баҳолаш учун она тили ва адабиёти фани бўйича олимпиада босқичидан айрим лавҳаларни келтириб ўтсак.

Олимпиада қатнашчиларига

«Сизнинг фикрингизча, ҳозир ёшлар ўртасида нима урф (мода)да» деган савол билан мурожаат қилдик.

Маҳмудова Дилноза, Қорасув Педагогика коллежининг III босқич талабаси:

— Агар қизлар йиғилиб қолса янги чиққан кийимлар, йигитлар эса қизлар ҳақида гаплашишади, менимча.

Йўлдошева Адолат, Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, II босқич талабаси:

— Кийим, телефон.

Пирметов Умид, агро-тижорат коллежи талабаси:

— Телефон маркалари. Ҳатто, баъзи талабалар тушлик қилмасдан, телефонга пул ўтказишади.

Абдурамов Эргаш:

— Телефон деб ўйлайман. Кейин яна кимда замонавий электрон техника воситалари кўп бўлса, ўзини «модний» деб ҳисоблаши мумкин.

Бошқа талабалар ҳам шунга ўхшаш жавоб қайтаришди.

Маълумки, олимпиада шартларидан бири сифатида талабанинг ўқиган асарлари юзасидан оғзаки савол-жавоб қабул қилинган. Агар унча катта бўлмаган ўқилган асарлар рўйхатини таҳлил қилсак, ёшлар асосан Абдулла Қодирий, Муҳаммад Юсуф, Пиримқул Қодиров ва Абдулла Орипов асарларини ўқишган. Афсуски, улар орасида ўзбек ва жаҳон адабиётининг мумтоз асарлари деярли учрамади.

Охирги пайтларда, детективларга эмас, балки, машҳур инсонлар ҳақидаги автобиографик асарларга қизиқиш ортиб бормоқда. Китоб, газета саҳифаларининг электрон нусхаси чиқиши билан уларни топиш, қўпайтириш ва тарқатиш муаммо бўлмай қолди. Эндиги муаммо уларни ўқийдиган одамлар сонини кўпайтиришдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида вақтларининг кўп қисмини меҳнат фаолиятига ажратишга тўғри келаётган отаоналар фарзандларида китобга меҳр уйғотишни унутиб қўйишмаяптимикин? Қани айтингчи, фарзандингизга, укангизга охирги марта қачон китоб олиб бердингиз?

Китоб ўқишни уйда, мактабда, оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишнинг энг оддий усули асар муаллифи, тарихи, сюжети ҳақида тушунтиришлар беришдир.

«Спортлотто 82» бадиий фильмини томоша қилганмисиз? Купеда кетаётган йўловчиларнинг ҳаммаси китоб ўқиб кетишади.

Сиз поездда узоқ йўлга чиқсангиз нима қиласиз? Ҳа, ана-а-а...

Дилноза УМАРОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Қайси китобни тинглагансиз?

Инсон табиати қизиқ. У яралибдики, доим ихтиролар қилади, янги нарсаларни ўйлаб топади. Эътибор берсак буларнинг барчаси ҳаётимизда қулайлик яратиш учун қилинади. Кирни машина ювади, телевизорни оила аъзоси деса ҳам бўлади, телефон ҳам оддий алоқа воситасидан анча ривожланиб кетди. Автомобилларчи?! Янаям эътиборлиси, ушбу воситаларни кўпинча ўзимиз эмас, балки, биз ўйлаб топган ахборотлаштирилган роботлар ясайди.

Техника тараққиёти тақдим этган яна бир янгилик ҳақида гапиришдан аввал келинг, болалигимизни бир эслайлик. Деярли барчамизга яқинларимиз эртаклар, ҳикоялар, умуман қизиқарли китоблар ўқиб беришган. Жуда мароқли жараён, шундай эмасми?! «Афсуски, у болалик эди» дейишга шошилманг.

Қандай китоблар ўқийсиз ёки ўқигансиз, деган саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Агар сиздан қандай китобларни тинглагансиз, деб сўрашсачи, унда қандай жавоб берасиз? Ҳайрон бўлманг тез орада бу саволга дуч келасиз. Ҳозирда оммалашиб бораётган аудиокитоблар сабабли ҳам ушбу савол одатий ҳисобланади. Аудиокитобнинг ўзи нима?



Ўқиб эшиттирилиб аудиоформатга ёзилган бадиий асар аудиокитоб дейилади. Унинг яратилишида актёрлар, овоз операторлари ва бошқа мутахассислар иштирок этадилар. Аудиокитоблар мусиқа, табиат ва бошқа махсус товушлар билан бойитилган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозирги кунда хорижлик машҳур актёрлар, адабиётшунослар ва хонандалар кўплаб асарларга овоз беришган.

Ўқиб эшиттирилган асар бироз зерикарли туюлиши мумкин. Балки, бунга сабаб асарларни тинглашни унутиб қўйганимиз туфайлидир. Болалигимизда бу жараён барчага бирдай ёққанлиги аниқ.

Китоб тинглаган суҳбатдошларимнинг аудиокитоблар ҳақидаги фикрларини келтирамиз:

— *«Менга умуман ёқмади. Китоб китоблигича қолиши керак».*

— *«Қизиқарли янгилик, бироқ баъзи сўзлар нотўғри талаффуз қилинади, урғуларда хатолар бор».*

— *«Жудаям зерикарли. Тинглашни бошлашим билан уйқу тортаверди. Овоз берган актёр ҳам ухлаб қолаётганга ўхшайди».*

— *«Аудиокитобларга ҳеч кўника олмадим. Табиат товушлари ва мусиқа билан бойитилгани қизиқ албатта. Асарни киши ўзи ўқигани яхши, образларга яқинлашиш имкони бор».*

— *«Шукурки, ўзим ўқишни биламан. Бироқ аудиоспектакларни тинглашни ёқтираман».*

— *«Жуда қулай нарса. Бироқ фикрни жамлаб тинч жойда тинглаш керак. Ишда ўтириб бир аудиокитобни тинглаган эдим. Кўп чалиганим учун асарнинг 15 фоизини эслаб қолдим холос».*

— *«Автомобилда тинглашга жуда қулай.*

Афсуски кўп аудиокитоблар ифодасиз ва ҳиссиз ўқилган. Баъзи актёрларнинг овози асар қайфиятига тўғри келмайди. Муаммо фақат шунда».

Юқоридаги фикрлардан аудиокитоблар ҳақида бироз тасаввурга эга бўлдик.

Ҳозирги кунда шаҳримиздаги диск савдосига мўлжалланган барча дўконларда аудиокитобларни учратиш мумкин. Улар CD-DA ёки CD-MP3 форматида бўлади. Ушбу асарларнинг танланиш имконияти жуда кенг бўлишига қарамасдан кўп сотиладиган асарларни аниқ айтиш қийин. Бироқ рус классик адабиётига мансуб аудиокитоблар кўпроқ харид қилинади. Маҳаллий муаллифларнинг асарларини аудиокитоб шаклида учрата олмадик. Назаримизда, бундай аудиокитоблар ҳали чиқарилмаган.

Аудиокитоблар нима учун керак, деган савол ҳам ўринлидир. Баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Овозлаштирилган китоблар асар билан боғлиқ янги таассуротларни вужудга келтиради. Матнни ўқиб туриб баъзи ҳодисаларга эътибор кучайса (масалан, табиатнинг тасвирланиши) бошқалари (айтайлик, баъзи қаҳрамонларнинг диалоги) зерикарли ва жўн туюлиши мумкин. Китобни тинглаш эса асарни яққоллигича қабул қилиш имконини беради ва албатта янгича тасаввур уйғотади. Қолаверса, китобни ҳар ким ўзича ўқийди. Ёқимли овоз билан ифодали ўқилган асар сизда ушбу асарга нисбатан ўзгача фикрларни уйғотиши аниқ. Айниқса, севимли ва қаҳрамонлари сизга яхши таниш бўлган асарни тинглаб кўрсангиз бу сизни бефарқ қолдирмайди.

Сўнгги пайтларда китоб мутоала қилиш ҳақида гап кетса, китоб ўқишга вақтим йўқ ёки яхши асарлар йўқ, деган жавоблар тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Иккинчи жавоб баҳона, холос. Дунёдаги дурдона асарларни ўқиб чиқишга бир инсоннинг умри етмаслиги аниқ. Вақт йўқлиги ҳақидаги масалага келсак, балки, аудиокитоблар бунга ечим бўла олар. Тўғри, аудиокитобни тинглашга ҳам вақт керак. Бироқ, маъносиз ўнлаб «қўшиқ»лар ўрнига 10-15 дақиқа маъноли асарни тинглаган маъқулдир, балки?!

Радио орқали ким кимга SMS-севги изҳор қилганини ёки бошловчининг мантиқсиз саволига берилаётган унданда мантиқсиз жавобларни тинглашга ёхуд телевизор қаршисида пультни ушлаганча нимани кўришни билмасдан каналларни калейдоскоп сингари чилпирак қилиб ўтиришга кимнинг қанча вақти кетиши ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Ҳар холда бир кунда вақтимизнинг анча қисми бекор кетиши аниқ. Мисол учун Бальзакнинг «Горио ота» асарини тинглаш учун 14 соат вақт кетади. Ф.М. Достоевскийнинг «Телба»си 33 соат, Гомернинг «Одиссея»си 15 соат, Э.Хаменгуэйнинг «Чол ва денгиз»и атиги 3 соат, Гётенинг «Фауст»ини 18 соатда тинглаб тугатасиз.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, аудиокитоблар инсонларни адабиёт дунёсига янада яқинлашишига сабаб бўлиши аниқ. Аввал асар билан фақатгина ўқиб танишиш мумкин эди. Мана энди уни тинглаш ҳам мумкин. Дурдона асарларнинг аудиоверсияси кўриш қобилияти паст кишиларга ҳамда кўзи ожизларга машҳур асарлардан баҳраманд бўлиш учун жуда қулай воситадир.

Кимдир аудиокитобларни маъқулламаслиги ҳам мумкин. Назаримизда, бу унча ҳам тўғри эмас. Аудиокитобларнинг ижобий жиҳатларини инкор этишда маъно йўқ. Биз ҳали аудиокитобларга мурожаат қилмаган бўлсак ҳам атрофда минглаб кишилар ўнлаб асарларни тинглаб бўлишгани аниқ. Аудиокитобларнинг мухлислари тобора ошиб бораяпти. Бунинг сабаби асар билан танишишнинг қулайлиги, ахборотлаштириш ва рақамли техниканинг ривожланиб бориши, аудиокитоблар сонининг, хилининг кўпайишидир. Юқорида айтганимиздай бугун барча компакт-диск дўконларидан машҳур асарларнинг аудиокитобларини харид қилиш мумкин. Талаб борки, таклиф ҳам шунга яраша. Келажакда ўзимизнинг ҳам дурдона асарларимизнинг аудиокўринишларини харид қилиш имкони бўлади, деган умиддамиз.

Китоб ўқиб турайлик, фарзандларимизда ҳам ушбу одатни шакллантирайлик. Ҳеч бўлмаса замон таклиф қилган қулайликдан фойдаланиб, китоб тинглаб турайлик.

ТЕМУРБЕК

ЎҒРИ ҚОТИЛ БЎЛИБ ЧИҚДИ

«Москвич» ҳайдовчиси тун бағрини тилган «ёрдам беринг» ҳайкириғини эшитди-ю, эшиклари очиқ «Матиз» машинасига етмай, берирокда тўхтади. Чироқ ёруғида кимдир югуриб ўтиб кетди. Ёнидаги шериги билан «Матиз»га яқинлашганида ҳайдовчининг юзи қон эди. У «пичоқ билан ташланди» деди-ю кейин тилдан қолди. Уни дарҳол «Москвич»га ётқизиб касалхонага элтишди. Шифокорлар уч кун мобайнида унинг ҳаётини саклаб қолиш учун барча чораларни кўришди. Бироқ... Кирк уч ёшга кирган мархум Юсуфжон Махмудов бир хафтача аввал Кўқон шаҳридаги «Роланд такси» фирмасига ишга жойлашган, ҳали биринчи маошини олишга ҳам улгурмаган эди.

Суднинг қора курсисида ўтирган Ўзбекистон тумани Ўрта қишлоғилик Шерзод Қосимов энди йигирма ёшга кирган. Мактабни битириб «Ромелло» фирмасида икки-уч ой ишлади. Иш оғир туюлиб, бўшади-ю тараллабедод қилиб юрди. Ошнаоғайниларининг гапига учиб, ўтган йил ноябрь ойида Тошкентга йўл олди. Зангиота туман Нурафшон маҳалласидаги Маъмуржон аканинг ҳовлисида новвойлик қила бошлади. Шу йил февраль ойи бошларида унинг уйига яширинча кириб, 600 минг сўм пулини ўғирлаб, уйига жўнаворди. Қўқонда енгилоёқ аёллар билан танишиб, пулни маишатга сарфлади. Қўлга олиниб, қамалди. Зангиота туман суди уни икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилди. Қозоғистонда икки ой ишлаб келиб, Маъмур акага олти юз минг сўмни қайтарди. Тағин унинг ҳовлисида наввойчилик билан кун кўриб юрди. Афсуски, Шерзод тузалиш, ҳалол яшаш учун берилган имкониятдан тегишли хулоса чиқармади. Наввойлик жонига тегиб, июнь ойининг бошларида Зангиотадан уйига йўл олди. Иш ҳақини устбошу, йўлкирага сарфлади. Қўқонга келганида ёнида беш-олти минг сўм пул қолганди. Илгари танишган Моҳиранинг уйига бориб тунаб қолди. Келаси куни шаҳар кезиб кунни кеч қилди. Моҳиранинг уйида меҳмонлар бор эди. Бирга ўтириб, ошхонага кирди. Ҳеч кимга билдирмай, пичоқни кўйлагининг ичидан шимига қистириб олди. Хайр-маъзурни насия қилиб жўнади. Чўнтагида хемири йўқлиги боис, у биронта такси ҳайдовчисини тунашни мўлжаллаганди. Лекин таксига ўтириб бораётганида нимадандир шубҳаланган ҳайдовчи машинани тўхтатди.

— Яйпанга бормайман, тушинг!

— Йўлкирага пулни уйдан оббераман...

— Керакмас пулиз, тушинг!

Шерзод қоронғуда нима қилишни билмай турганида таниши велосипедда ўтиб қолди. Велосипедига мингашиб Саиднинг уйига борди. У йиртилган бир пой шиппагини ямаб берди.

— Шаҳарда битта квартира опқўйганман, — ёлғон гапирди тунги соат ўн яримларда Шерзод. — Ҳозир Қизилбоққа таксида обборибман.

— Бўпти, — Саид кўнди.

Улар биргаликда кўчага чиқишиб, йўловчи машиналарни тўхтатишга уринишди. Кўп ўтмай оқ «Матиз» тўхтади. Савдолашиб, икки минг сўм йўлкира беришга кўндирди. Олди ўриндиққа ўтирган Саид Қумқишлоқда тушиб қолди. Қизилбоққа кираверишда Шерзод машинани чапга, хилват кўчага буришни сўради. Кимсасиз зовур ёнида тўхтаганларида пичоқни чиқариб, ҳайдовчининг бўйнига қадади. «Бор пулингни бер!» Юсуфжон эпчиллик қилиб, пичоқ дастасидан ушлашга улгурди, лекин тиғи бўйнини тилиб юборди. Иккаласи олишаётганида Шерзод яна бир неча бор пичоқ санчди. Сопи синиб, тиғи такси салонига тушиб қолди. Шу пайт орқадан машина чироғи кўринди. Босқинчи ҳайдовчисини ўлдириб, машинани миниб қочишга улгурмади. Орқадан яқинлашаётган «Москвич» тарафга югурди. Юзларини яшириб, машина ёнидан чопиб ўтиб кетди.

Тунда далама-дала санғиб, Сулаймон қишлоғидаги Мавлудахон аммасининг ҳовлисига девор ошиб тушди. Бу пайтда ҳамма уйқуда эди. Ичкарига кирса бирон киши уйғониб кетишидан ҳадиксираб, айвондаги шолчада чўзилиб қўяқолди. Тонг саҳарда таҳорат олиш учун ташқарига чиқаётган Мавлудахон айвонда узала тушиб ётган кишини кўриб ўтакаси ёрилаёзди. Яхшироқ разм солиб, унинг жияни Шерзод эканлигини билди.

— Ҳа, нима бўлди? Қачон келдинг? — амма хавотирланиб сўради Шерзоддан.

— Уйдагилар билан уришиб қолдим. Кейин бу ёққа келавердим.

Шерзоднинг баҳонасига Мавлудахон чиппа-чин ишонди. Ўғлининг уст-бошини бериб, шунингдек, ўз аммасининг молини ўғирлаб сотиб юборганги исботланди. Суд ўғри ва қотилга узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Маъсуд МЎМИНЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бузиндивондаги фожеа

Оллоҳ одамзотнинг азалий яралишида ҳайвондан фарқли ўлароқ унга онг, тафаккур, тил-забон инъом этди. Жаҳл келганда ақл билан ўзини бошқариш, вазиятни тўғри баҳолаш, муроса йўлини танлай олиш, фикр-мулоҳазаларини айтиш учун сўзлашиш қудрати ҳам инсонга берилди. Бироқ... ақлли кишиларгина оқилона хулоса қилишади. Дунёқараши қусурли кимсалар эса мақола аввалида келтирилган ривоят ёхуд айни ҳаётий ҳақиқатни балки англашга ҳам қодир эмас... Уларнинг ожизлиги, ночорлиги, қолаверса, бахтсизлиги ҳам шунда.

Умар Нуриллоев билан Нусрат Файзуллоевлар рўбарў қўшни яшашарди. Тўй-маъракa, яхши-ёмон кунларда юз-юзга, кўз-кўзга тушадиган ҳамсоя. Аммо, улар бир-бири билан учрашганда диллари ғашлашиб, муштлари тугилади. Сабаб эса арзимас ва мантиқсиз.

Рафиқ Куллиев, «Қўнғирот» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Ҳар иккала оилани ҳам яхши танийман. Марҳум Умар Нуриллоев бировга ёмонлиги ўтмаган, қўшнилари билан яхши эди. Аммо Нусрат Файзуллоев 1997 йилдан буён ўзига тегишли бўлмаган ер устида Нуриллоевлар оиласи билан жанжаллашиб келади(тергов материалидан).

Маҳалланинг аралашуви, қўни-қўшни панд-насиҳати таъсир қилмаган қўшнилар 2007 йил 27 июнда яна келишолмай қолишди. Буни қарангки, ер қонуний нуқтаи назардан ҳар иккала қўшнига ҳам тегишли эмас экан.

Расулуллоҳ алайҳиссалом буюрадилар:

— Биласизми, қўшнининг ҳаққи нима? Нон истаса, нон берасиз. Ёрдам сўраса, ёрдам берасиз. Қарз сўраса, қарз берасиз. Камбағаллашса, рўзғорига мадад бериб турасиз. Хасталанса зиёратига борасиз. Вафот этса, жанозасига қўшиласиз.

Омад қулиб боқса, уни қутланг. Бошига мусибат тушса, таъзиясида бирга бўлинг. Ундан рухсат бўлмаса, уйингизни унинг уйидан баланд қилиб қурманг. Чунки, уйингизни баланд қилиб қурсангиз, унинг нимасигадир тўсқинлик қилган бўласиз. Унга азоб берманг. Бирон мева олган пайтингизда унга ҳам беринг. Агар, бермоқчи бўлмасангиз, уйга олиб келганингизни кўрмасин. Болангизнинг қўлига бирон мева бериб, ташқарига чиқариб юборманги, қўшнининг боласи шундай нарсага эга бўлмагунча бундан ўпкаланиб юрмасин. Қозонингизда қайнатган эт ҳиди билан уларни нотинч қилманг. Агар келтирган этингиздан бир парчасини унга кесиб берган бўлсангиз, эт ҳиди таралишининг айби йўқ.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 24-модда).

Биласизми, қўшнининг ҳаққи нима? Борлиғим қудрат қўлида бўлган Оллоҳга қасамки, қўшнининг ҳақини фақат Оллоҳнинг марҳаматига ноил бўлган кимсаларгина ўтай олади.

* * *

Ҳавонинг салқинида ҳовли атрофидаги янтоқларни чопиб, тозалаб қўйиш мақсадида қўлида кетмон билан чиққан Умар қўшни аёл — Юлдуз Ҳамроеванинг ҳақоратли гапларидан таъби хира бўлди. «Аёл киши билан «адибади» айтишиш эркак кишига ярашмайди», деган хаёлга бориб, у ўзини босди.

Ҳар бир оила алоҳида бир давлат. У кичик «давлатча»нинг ўз қонунлари, ўз тартиб-интизоми бўлади. Шу боис, Юлдуз Ҳамроеванинг важоҳати эри Нусрат Файзуллоевга кўчди.

— Миршод! — ўғлини чақирди ота. — Бор, Умарни айтиб кел.

Отасининг кўзларидан ўт чақнаб буйруқ оҳангида берган топшириғини бола ўз мулоҳазаси доирасида «Менинг дадам ҳаммадан кучли» қабилида таҳлил этиши табиий.

— Нима?! Отангга айт, иши бўлса ўзи келсин, — қўшни болага рад жавобини берди Умар.

Катталар ўртасида жони ҳалак болакай бу хабарни ҳам отасига етказди.

Кеча «у деди», бугун «бу деди» дея можаролар тафсилоти билан эрининг бошини қотирган Юлдуз Нусратнинг бурқсиб, тутаб турган жаҳл оловига керосин пуркаганини билганида эди... «Аёл ўн ақлидан тўққизтасини рўзғори тинчлиги йўлида ишлатади», дейилган ибратли фикр афсуски уч фарзанднинг онаси Юлдуз Ҳамроевага тегишли эмас экан.

Нусрат Файзуллаев уйидан ошхона пичоғини олиб чиққанидаёқ кўнглидан раҳмон узоқлашган, одамийликдан йўли айро тушган эди. Шайтонга ҳамроҳлик қилиб, ваҳийлашган Нусрат Умар билан ёқалашар экан, қўли пичоққа борганини сезмай қолди. У жовдираб турган вояга етмаган Умарнинг қизи Мадинанинг кўзи олдида «рақиб»ига пичоқ ўқталди. Минг афсуски, бир неча марта санчилган тиғдан оғир жароҳат олган Умарнинг ҳаётини туман касалхонаси шифокорлари ҳам сақлаб қолишолмади.

Суд зали. Жабрланувчилар, маҳрум Умар Нуриллоевнинг яқинлари нигоҳларида тўла мунг. Ёшини яшамай ўтган аканинг қасос ўтида чўғ бўлаётган юраклар. Жаҳлга эрк бериб, ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдирган жиноятчининг қавм-қариндошлари, оила аъзолари, кўнгил кечинмалари пушаймон-надоматдан ҳоли эмас эди, албатта.

— Ўғлим Умарнинг ўлимига сабабчи бўлган жиноятчини кечиролмайман. Уч нафар норасида гўдаги онасидан эрта етим қолганди, — деди Умар Нуриллоевнинг отаси Нурхон Нуриллоев кўзлари ёшланиб. Бу ҳолатни кўриб, бошқаларнинг дили унсиз йиғлади. — Келиним оғир хасталикдан вафот этганди. Умарни март ойларида иккинчи марта уйлаб қўйгандик. Энди буёғи...

Ҳа, энди буёғи қанчалар оғир, қанчалар изтиробли ҳаёт суқмоқлари бошланади...

Хулоса ўрнида:

— Бу ер меники!

— Йўқ, меники!

Бири қўйиб бошқаси ёқа йиртишаётган қўшнилар устидан ер «хо'-хо»лаб кулибди.

— Нега тортишасизлар? Ахир чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўринг, ҳар иккалангиз ҳам меникисизлар-ку!

Карим ТЕМИРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Террорчи «йўлбарслар»

Шри-Ланканинг жануби-ғарбида автобус портлатилиши натижасида 20 киши ҳалок бўлган, 20 киши турли даражадаги тан жароҳати олган.

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Буттала-Оккамтипия йўналиши бўйича ҳаракатланаётган автобусда мактаб болалари бўлган. Шри-Ланка мудофаа вазирлиги вакилларининг таъкидлашича, ушбу террористик хуруж «Тамил-Илама озодлиги йўлбарслари» айирмачилик ҳаракати жангарилари томонидан содир этилган. Ушбу ташкилот 1980 йилдан бери мамлакатнинг тамиллар яшайдиган ҳудудлар мустақиллиги учун курашиб келмоқда. Сўнгги 28 йил ичида «Йўлбарслар» томонидан содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида 70 минг киши ҳаётдан кўз юмган.

Охирги, 2008 йилнинг 2 январида мамлакат пойтахти Коломбода содир этилган портлаш натижасида беш киши ҳалок бўлган. Таъкидлаш жоизки, «Тамил-Илама озодлиги йўлбарслари» ҳаракати томонидан 2007 йил 5 декабрда ҳам айни шу турдаги террорчилик хуружи содир этилганди. Ушанда ҳам автобус портлатилиб, 15 киши қурбон бўлган, 38 таси жароҳатланганди.

Жавобсиз қолмайди

«Haaretz» нашрида ёзилишича, Исроил ҳарбийлари Ғазо секторида ўтказган операцияларидан сўнг ушбу ҳудудни тарк этишган. Мазкур ҳарбий рейд давомида «Хамас» ташкилотининг 14 нафар аъзоси ўлдирилган. Аҳолидан уч нафари ҳам ҳарбий тўқнашувлар қурбони бўлган. Исроил армиясининг жангариларни топиш ва йўқ қилиш бўйича операцияси 14 январь куни кечқурун бошланган. Ҳарбий операцияга деярли барча қўшин турлари жалб этилди. Ўлдирилганлар орасида «Хамас» ташкилоти раҳбари Маҳмуд Заҳарнинг ўғли Хусам Заҳар ҳам бор. Ўнлаб тинч аҳоли вакиллари яраланган. Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос исроилликларнинг ҳаракатини босқинчилик дея таърифлаб, бу жиноят жавобсиз қолмаслигини таъкидлаб ўтди.

БОСҚИНЧИ МИЛИЦИОНЕР

2007 йилнинг сентябрь ойи охирида Россиянинг Амур вилоятидаги банклардан бирини тунаган собиқ милиционер суд томонидан айбдор деб топилиб, тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. Маҳкум этилган Михаил Коновалов «Шарқий экспресс банк»нинг қўшимча бўлинмасини тушлик вақтидаги танаффус пайти тунаган. У қуроласлаҳа хонасидан табел пистолетини олиб, шахсий автомашинасида банкка етиб келган. Бошига тўқилган кийимбош кийиб олган босқинчи банк қўриқчиси ва кассирни пистолет билан қўрқитиб, барча пулларни олиб чиқиб кетган. Милиционер банкдан 130 минг рубл ўғирлаган, холос. Россия жиноят кодексига кўра, Коноваловга етти йилдан ўн икки йилгача бўлган, мол-мулкини мусодара қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиши керак эди. Бироқ, милиционер содир этган жиноятига иқрор бўлгани, афсусда эканлиги, зарарни тўлиқ қоплаганлиги, шунингдек, ҳомиладор турмуш ўртоғи ва ёш боласи борлигини инобатга олиб суд унга енгилроқ жазо қўллади.

Ўз манфаати йўлида

15 январь куни Грециянинг Солоники шаҳрида полиция ҳамда норозилик намойиши қатнашчилари ўртасида тўқнашув юз берди. «EARTHtimes.org.» ахборот агентлигининг хабар беришича, мамлакатдаги энг катта икки портнинг хусусийлаштирилишига қарши чиққан намойишчилар полициячилар томонидан кўздан ёш оқизувчи газ ёрдамида тарқатиб юборилган. Маълумотларда айтилишича, полиция билан тўқнашув намойишчилар Греция денгиз савдоси вазирлиги ходимлари билан учрашув ўтказилаётган бинога киришга ҳаракат қилганларида юз берган. Вазирлик вакиллари Пирей ҳамда Салоники шаҳарларидаги портлар акцияларини хусусий инвесторларга сотиш масаласини муҳокама қилишаётган эди. Қайд этиш лозимки, 11 январь куни ҳам Пирей шаҳрида 24 соат давом этган норозилик намойиши ўтказилганди. Мазкур намойишда 500 нафар порт хизматчиси қатнашган.

Ачинарли статистика

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Байрутда миналаштирилган автомашина портлатилиши натижасида уч киши қурбон бўлди. Маълумотларда айтилишича, террорчилик хуружидан асосий мақсад АҚШ элчихонасининг автомашинасини портлатиш бўлган. Америкаликларга ҳеч бир зиён етмаган, ҳалок бўлган уч киши эса маҳаллий аҳоли вакилларидир.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2007 йилда Ливанда қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилиб, натижада кўплаб таниқли сиёсат арбоблари ва юқори мартабали давлат хизматчилари қурбон бўлишган. 2007 йилнинг 12 декабрида Баабда шаҳрида содир этилган портлаш оқибатида Ливан армияси генерали Франсуа ал-Хаж ҳалок бўлган. Кўплар уни Ливан армияси бош кўмондонлигига энг лойиқ номзод сифатида баҳолашганди. 2007 йил 19 сентябрда миналаштирилган автомашинанинг портлатилиши натижасида мамлакат парламенти депутати, таниқли сиёсатчи Антуан Ганем ҳаётдан кўз юмган. 13 июнда Байрутда собиқ бош вазир марҳум Рафиқ Харири издошларидан бири, Ливан парламенти депутати Валида Идо портлатиб юборилган. Идо билан бирга унинг тўнғич фарзанди Холид ҳам қурбон бўлган.

Пора фонди

Жанубий Корея ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари «Samsung» компанияси директорлар кенгаши раиси Ли Кун Хи уйида тинтув ўтказдилар. Бир кун аввал эса Жанубий Корея прокуратураси ходимлари Ли Кун Хининг бошқа уйида ҳам тинтув ўтказишганди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, хонадонларни тинтув қилиш жараёнида жуда катта миқдорда моддий бойликлар аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, «Samsung» компаниясининг бир неча ходимларига нисбатан тергов ишлари ўтган ҳафтада бошлаб юборилганди. Улар журналистлар, судьялар ва давлат хизматчиларига пора сифатида берилиши мўлжалланган бир неча миллион долларлик фондни ташкил этганликда айбланишмоқда. Умуман олганда, «Samsung» компаниясининг коррупция билан боғлиқ иши ўтган йилнинг ноябрь ойида бошланганди. Ушанда компаниянинг собиқ юристи Ким Ен Чхоль корпорацияда пора бериш учун мўлжалланган махфий фонд борлиги ҳақида баёнот берганди. Ушбу фонд маблағлари 200 млн. доллар миқдорида баҳоланганди.

Хорижликлар, эҳтиёт бўлинг!

«Толибон» ҳаракати жангарилари мамлакат пойтахти Қобулдаги ғарб фуқаролари ташриф буюрадиган ресторанларга нисбатан террорчилик хуружларни кўпайтиришларини эълон қилишди. Толибонларнинг баёноти Қобулдаги беш юлдузли «Serena» меҳмонхонасида содир этилган террористик ҳаракатдан сўнг эълон қилинди. Портлаш натижасида етти киши ҳалок бўлган, жароҳатланганлар ҳам бор. Айни портлаш вақти меҳмонхонада Норвегия ташқи ишлар вазири Йонас Гар Стере ҳам бўлиб, лекин унга зиён етмаган. Террористик хуруж қурбонлари орасида Норвегиянинг «Dagbladet» газетаси мухбири 39 ёшли Карстен Томассен ва шахси ошкор этилмаётган АҚШ фуқароси ҳам бўлган. Мазкур террористик ҳаракат учун жавобгарликни «Толибон» вакиллари ўз зиммаларига олдилар. Ҳозирда воқеа жойида тезкор-тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.

Илтимос қаноатлантирилади

Франция Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудида форс кўрфазидаги ўзининг биринчи доимий ҳарбий базасини жойлаштирадиган бўлди. «Reuters» ахборот агентлигининг хабар беришича, бу соҳадаги келишув Франция Президенти Николя Саркозининг Бирлашган Араб Амирликларига қилган расмий ташрифи давомида имзоланган. Саркозининг таъкидлашича, ҳарбий база 1995 йилда имзоланган икки томонлама мудофаа шартномасини мустаҳкамлаш йўлида БАА ҳукуматининг илтимосига биноан ташкил этилмоқда.

«Мазкур қадам Франция ушбу ҳудудда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда фаол иштирок этаётганлигидан далолатдир», дейди Франция Президенти.

Мазкур лойиҳа раҳбари Эдуардо Гийонинг айтишича, база Арабистон ярим оролини Эрондан ажратиб турувчи Ормуз бўғози рўпарасида, Абу-Даби амирлигида жойлашади. Шунингдек, Николя Саркози бу лойиҳа стратегик аҳамиятга эга эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Маълумки, Ормуз бўғози орқали жаҳон нефтининг 40 фоизи экспорт қилинади. Унинг гапига қараганда, француз ҳарбий базасининг барпо этилиши Арабистон ярим ороли давлатлари томонидан ҳам илиқ кутиб олинган. Дастлабки хабарларга кўра, базадаги ҳарбий контингент сони 500 кишини ташкил этади. Вице-адмирал Жак Мазарнинг айтишича, қурилиш ишлари 2008 йилнинг охиригача бошланади. Даставвал Абу-Даби тижорат портида ҳарбий кемалар учун йўлакчалар ва биринчи инфратузилмалар барпо этилади. Шундан сўнг бу ерга Жибутида жойлашган ҳарбий контингентнинг 150 кишидан иборат ҳарбийлари олиб келинади. Қурилиш ишлари эса 2009 йилда тугатилади.

Бундан ташқари ташриф давомида Николя Саркози Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати билан атом энергетикасини ривожлантириш ҳамда савдо-иқтисодий масалалар борасида қатор шартномалар имзолади. Аввалроқ бу турдаги шартномаларни Франция Миср ва Ливия билан ҳам имзолаганди.

Ўзбошимча овчилар

15 январь куни Япон кит овловчилари табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти аъзоларидан икки нафарини гаровга олдилар, деб хабар қилади «Sky News» ахборот агентлиги. Японияниинг «Юшин Мару» кит овловчи кемасига яширинча чиқиб олган олимларни денгизчилар ушлаб, кемадаги хоналардан бирига қамаб қўйишган. Мазкур ҳолат Австралия қирғоқлари яқинида юз берган. Австралия табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти вакилларининг айтишича, мазкур кема ноқонуний равишда китларни овлаш билан шуғулланган. Кемада гаровга олинган Жайлз Лейн ва Бенжамин Поттслар ҳам айнан шу ташкилот аъзоларидир. Ўз навбатида Япония ҳукуматининг таъкидлашича, китлар илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадида овланган, экологларни эса ҳеч ким гаровга олмаган, уларнинг ўзи ноқонуний равишда кемага чиқиб олишган. Бир кун аввал Австралия суди «Kyodo Senpaku Kaisha Ltd» компаниясига «яшиллар» гаровга олинган ҳудудда ов қилишни маън қилди. «Юшин Мару» ҳам айнан шу компанияга қарашли. Бироқ, японлар Австралия суди қарорини тан олмади.

Мухолифатчи спикер

Кения парламентининг янги спикери этиб, мухолифатдаги «Заргалдоқ демократик ҳаракати» вакили Кеннет Маренде сайланди. «France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, сешанба куни ўтган сайловларда Маренде Кения Президенти Мваи Кибаки раҳбарлигидаги «Миллий бирлик партияси» вакилидан 4 та кўп овоз олган. Мухолифат унинг сайланишини демократиянинг мамлакатдаги биринчи ғалабаси дея тарифлади.

Эслатиб ўтамиз, 2007 йил декабрь ойи охирида Кенияда мамлакат президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловларда амалдаги Президент Кибаки ғалаба қозонди. Бироқ, мухолифат номзоди Рейл Одинга тарафдорлари ҳукуматни сайловлар натижаларини қалбакилаштирганликда айблаб, оммавий тартибсизликларни уюштирдилар. Бир неча кун давом этган оммавий тартибсизликлар натижасида мингдан зиёд киши ҳалок бўлган.

«Internet» материаллари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти жамоаси департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси навбатчи қисм инспектори **Сайфуддин АРИПОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Фозил МАМАШАРИПОВ

ТУНГИ ШАРПАЛАР

Соат қўнғироғининг тун сукунатини бошига кўтариб, бирданига ишлаб кетиши шундоқ ҳам уйқуси қочиб, сергак ётган Қувондиқ муаллимнинг хаёлини бўлиб юборди. Ўрнида чўзилганча тимирскиланиб соатни тоғди. Бир амаллаб орқасидаги тугмачани босгунича соат анчагина «дийдиё» қилиб бўлганди. Уни жойига қўйиб, секин ўрнидан турди. Дераза олдига бориб, ташқарига разм солди.

— Оббо!

Қувондиқ муаллимни ҳайратлантирган манзара ташқарининг оппоқ қорга бурканган эди. У кечаси молларидан хабар олиш учун борганида эндигина қор учқунлаб турганини кўрган, лекин бунчаликка боради деб ўйламаганди. Уни қорнинг қалин ёққани эмас, автобус келмаса шаҳарда ўқийдиган қизининг кетолмай қолиши кўпроқ ташвишга солаётганди. Вазиятнинг бундай тус олгани уни шошилишга ундади. Ширин уйқуда ётган хотини ва болаларининг олдига яқинлашди. Қизининг кетишига тайёргарлик кўриб, алламаҳалгача елиб-югурган Ойнисага қараб Қувондиқ муаллим бироз иккиланиб турди. Кейин болаларини уйғотиб юбормаслик учун секингина уни туртди:

— Ҳой, энаси!

— Ҳа, — Ойнисанинг кўзи эрига тушди-ю, тезда ёстиқдан бошини кўтарди. — Вой ўлай, ухлаб қолибман-ку! Соат ўлгур ишламадими?

— Ишлади, ҳозир ўчирдим. Тез Жамилани уйғот, яна автобусга кечикиб қолмасин!

Ойниса бошига рўмолини ташлаб, бошқа хонада синглиси билан ётган Жамилани уйғотиш учун эшикка йўналди.

Тайёргарлик ярим соатларга чўзилди. Агар Қувондиқ муаллим «тез-тез бўл» дея қисталанг қилиб турмаганида Жамила билан Ойниса ҳали ҳам имирсиланиб юрган бўларди.

Бироздан кейин узун-қисқа бўлиб, уч киши уйдан чиқиб келди. Дарвозага етганда Қувондиқ муаллим пайпоқсиз кийиб олган калиши билан қор кечиб келаётган хотинига ачинган бўлди:

— Сен қолавер, энаси.

Лекин Ойниса эътибор бермади. Калишига кираётган қор ҳам, этни жунжуктирадиган совуқ ҳам унга писанд эмасди гўё.

— Ҳой, сенга қолавер дедим-ку! Ўзим кузатиб қўяман.

— Ботирнинг уйигача борайин.

— Эна, қайтаверинг, — Жамила шундагина онасининг оёғига эътибор берди. — Оёғингизга ҳам ҳеч нарса киймабсиз.

— Совқ ўтиб кетса ўласан вой-войлаб, — Қувондиқ энди бироз қизишди. — Қайт дегандан кейин қайт-да, энди.

Ойниса ноилож қизи билан хайрлашди.

— Майли, қизим, яхши бор! Сени худога топширдим, — у Жамиладан айрилгиси келмас, аста-секинлик билан узоқлашаётган қизининг орқасидан жойида тош қотганча термулиб турарди.

— Алтовузгача чиқариб қўйинг, отаси.

— Бўпти, бўпти.

Ойниса то улар кўринмай кетгунича орқасидан қараб қолди. Уларнинг қораси йўқолгач эса юрагида қандайдир бир совуқлик, орзиқиш турганди қалтираб кетди. Ҳар сафар қизини шаҳарга кузатиб қўйганида шундай бўларди. Лекин буниси жуда бошқача бўлди. Буни баданидан совуқ ўтиб кетганига йўйиб, орқасига қарай-қарай уйига қайтди.

Бу пайтда Қувондиқ билан Жамила қишлоқ четидаги бекатга яқинлашиб қолишганди. Узоқдан бекат қорайиб кўриниб турарди. Иккови аста-секинлик билан яқинлашиб келганда бекат атрофида иккита қора кўланка кўринди.

— Ота, қайтаверинг, — деди Жамила совуқдан дирдираб турган отасига қараб. — Ана, бир-икки киши ҳам чиқибди.

— Ким экан улар? — Қувондиқ муаллим қизини қолдириб кетгиси келмай яна илгарига одимлай бошлади.

—Ота, совқотиб қолдингиз. Одамлар бор экан-ку! Энди қайтаверинг.

— Ҳа, бўпти, қизим, — деди ота ноилож орқасига қайтар экан.—Яхши етиб ол бўлмаса.

Қувондиқ муаллим қизи билан хайрлашиб, келган йўлидан орқага қайта бошлади. Бироз юрган ҳам эдики, орқадан Жамиланинг аянчли чинқириғи эшитилди. У жон ҳолатда бекатга қараб югурди. Не кўз билан қарасинки, бироз олдин бекатда кўзига одам бўлиб кўринган кўланкалар бўрилар бўлиб, қизини ўртага олганча таларди.

Қувондиқ муаллим даҳшатдан жойида қотиб қолди. Қизига ёрдам беришни ҳам, қочишни ҳам билмас, оёқлари ўзига бўйсунмасди...

* * *

— Қўйларни ғарамга чиқардингми? — Шариф ота эрталабки чой вақтида невараси Улуғбекдан сўради.

— Ҳа, чиқардим.

— Бугунча далага чиқарма.

— Нега, отаси? — гапга қўшилди Турсунтош момо. — Қўй қамовда турмасин деб ўзингиз далага чиқариб кетардингиз-ку!

—Қор кўп ёққани учунми бўри кўп оралаётганмиш. Ўрта қишлоқлик Қувондиқнинг қизини еб кетибди.

— Вой бечора! Қандай ебди? Уйига келибдими?

— Шаҳарда ўқийдиган қизи бор экан. Ўшани саҳарда ўқишга кузатиб қўйишга чиққанда бир-иккита бўри бекатда одамга ўхшаб ўтирганмиш. Қувондиқ ҳам уларни йўлга чиққанлар деб ўйлаб қизини берироқдан ташлаб келаверган экан.

— Сал бўмаса ўзиниям еб қўярканда.

— Ҳа, Худо бир асрабди. Шунинг учун эҳтиёт бўлинглар. Қўйларни сувга чиқарганда ҳам товга ўрлаб кетмасин!

Шариф отанинг гапига Улуғбек унча эътибор бермади. Негаки, у ўн беш ёшга кириб ҳам бўри ҳақида кўп эшитган-у, лекин ўзини олдидан кўрмаганди. Фақат тушга яқин бўлиб ўтган воқеадан кейин...

Ўшанда у қўйларни ғарамдан чиқариб, бирйўла қорамолларни ҳам уларга қўшиб суғориб келмоқчи бўлди. Шу мақсадда оғилга кириб, молларни бўшатиб чиқди. Лекин қайтиб чиққанда қўйлар йўқ эди. Улуғбек молларни қолдириб, қўйлар изидан тепага чиқди. Шундагина қўйлар кўринди. Лекин қўйлар нимадандир ҳурккандай бир жойга уймалашиб олганди. Улуғбек ҳайрон бўлиб ёнатрофга қаради. Шу пайт ўзидан юз метрлар узоқликда турган итга ўхшаш ҳайвонга кўзи тушди. Итсифат махлуқ каттароқ бир қўзининг бўйнидан тишлаб турар, у эса жон ҳолатда оёғини қоқарди. Улуғбек шундагина унинг бўри эканлигига ишонч ҳосил қилди. Жойидан қўзғалмаган ҳолда жонҳолатда бақириб уни ҳайдашга тушди. Лекин бўри жойидан қўзғалмади. Аллақачон ўлиб бўлган қўзини ерга қўйганча ўзига қараб бақираётган одам боласига бақрайиб қараб тураверди. Улуғбекнинг бақир-чақиридан яқин-атрофдаги уйлардан бир-иккита қўшни югуриб чиқди. Бундан бироз ботирланган Улуғбек қўлидаги калтакни кўтарганча бўри томон одимлай бошлади. Аввал битта бўлиб бақираётган одамнинг энди уч киши бўлиб ўзи томон келиши бўрини жойидан жилишга мажбур этди. Шунда ҳам у ўлжасини тишлаб олганча бамайлихотир тоққа қараб йўрғалаб кетди. То у тепаликдан ошиб кўринмай кетгунича бақир-чақир давом этди.

Шариф ота битта қўзини бўри олиб кетганини эшитиб, бироз ўйланиб қолди. Кейин бир қароорга келди, шекилли, болаларига қараб юзланди:

— Куппа-кундузи келдими, демак кечаси ҳам тап тортмай келаверади. Шунинг учун қўра деворининг тепасини икки қават қилиб тикон сим билан ўранглар.

Не кўз билан қарасинки, бироз олдин бекатда кўзига одам бўлиб кўринган кўланкалар бўрилар бўлиб, қизини ўртага олганча таларди.

—Балки итлардан ҳайиқар, ота! — деди катта ўғли Нурпўлат.

— Ҳе, бўри келса бу итларинг ўзини катакка уриб кетади. Бир пайтлардаги бўрибосарлардан бўлганда, бўрилар қишлоққа яқин ҳам келолмасди.

Шариф ота ёшлигида овчи бўлгани учун бўрилар ҳақида кўп нарса билар, ҳатто бир-икки марта рўбарў ҳам келганди. Шундай воқеаларни эслаб, айтиб берганида невараларига бир олам таассурот олар, яна ва яна айтиб беришини сўраб ҳоли жонига қўйиишмасди. Ҳозир ҳам Шариф ота шундай воқеалардан бирини эслади шекилли, одатига кўра оппоқ соқолини тутамлаб, кўзларини хиёл юмганича бундан анча олдин бўлиб ўтган бир воқеани ҳикоя қила кетди.

— У пайтлар айни кучга тўлган даврим эди. Бир куни кечаси ташқарига чиқсам оғилнинг олдига боғлаб қўйган Бўрибосар итим кенг далага қараганча ириллаб ётибди. Нега бундай қилаяпти экан, деб олдига борсам, менга қарамайдиям. Нуқул занжирини узар даражада далага қараб интилиб, ириллайди. Секин Бўрибосар интилаётган томонга бир-икки қадам ташладим. Шу пайти қулоғимга ўша томондан бир нарсанинг қаттиқ хириллаган овози эшитилди. Бошида бу овоз ниманики эканини ажратолмадим. Кейин англадиму, тезда Бўрибосарнинг олдига келиб, унинг бўйнидан занжирни чиқариб юбордим. У ҳам шуни кутиб тургандек, бирданига товуш келган томонга чопиб кетди. Бироз ўтиб ўша томонда Бўрибосар нима биландир қаттиқ олишди. Кўп ўтмай олишув ниҳоясига етди шекилли, овоз чиқмай қолди. Бўрибосарни чақираман, қани келса! Ноилож эрталаб бир гап бўлар деб уйга кирдим.

Саҳар туриб ўша хириллаган жойга борсам қўшнимизнинг эшаги бўйни ғажилган ҳолда ўлиб ётибди. Оқшом бўри унинг бўғзидан олган, эшак ўлолмай хириллаб ётган экан. Бўрибосарни қўйиб юборганимдан кейин бўри у билан бироз олишиб, кучи етмаслигини билгач, қочган, ит эса уни қувиб кетган экан. Ана шунақа! Ўша Бўрибосарлар ҳозир қаерда? Уруғи ҳам қолмагандиров...

* * *

Бир кун ўтиб бўрилар ҳақидаги яна бир янгилик қишлоқда овоза бўлди. Ўша куни тунда қишлоқ чеккароғидаги бир уйнинг қўрасидан яна бешта қўйни бўри еб кетибди. Бу воқеадан кейин ҳамма эҳтиёткор бўлиб қолди. Кечалари кўчага чиқиш, дўст-ёрларникига бориш тўхтаб, ҳатто кундуз кунлари ҳам қишлоқдан чеккароққа чиқишганда тоғ тарафга қараб-қараб қўйишадиган бўлишди. Бир пайтлар моҳир овчи бўлганлар эса ҳар эҳтимолга қарши сандиғидан милтиқларини олиб, тайёрлаб қўйишди. Агар зарурат юзасидан Комил кечаси кўчага чиқмаганида ким билади, ўша бўрилар яна неча хонадоннинг уйига тушар, қанчалаб мол-ҳолга қирон етарди.

Шундай воқеалар бўлиб турган вақтда Комилнинг хотини оғироёқ эди. Ярим тунда унинг дарди тутиб қолди. Комилнинг жуда боши қотди. Уни туғруқхонага олиб бориш лозим. Бунинг учун икки кўча наридаги Кўчқорнинг машинасини олиб келиш керак. Ўйлай-ўйлай у бир қароорга келди. Олдиндан тайёрлаб қўйган бешотарга ўқларни жойлаб, машина олиб келиш учун кўчага чиқди. Ҳамма ёқ оппоқ қор, сув қуйгандек жим-жит. Тиқ этган товуш бўлса қишлоқни бошига кўтарадиган итларнинг ҳам овози чиқмайди. Комил «ёлғизнинг ёри худо» деб, милтиқни маҳкам тутганича таваккал кетаверди. Биринчи кўчадан ўтди. Иккинчи кўчани кесиб ўтаётганда ҳар эҳтимолга қарши кўчанинг тоғ тарафга қараган томонига разм солди. Бўмбўш. Комил энди кўчанинг қарамақарши томонига боқди. Қаради-ю, ўзи томон югуриб келаётган бўрини кўриб қолди. Вақтни қўлдан бой бермай тезлик билан милтиқ стволини бўрига қаратди. Сукунатни милтиқ овози ларзага келтирди. Агар вақтида тепкини босмаганида Комил тирик қолиши гумон эди. У ўзини тутиб улгурмай олдинда яна бир қора нарса югуриб кела бошлади. Бу иккинчи бўри эди. У жуда тез югуриб келар, милтиқ овози уни заррача қўрқувга солмаганди гўё. Комил тез ҳаракат қилмаса танг аҳволда қолишини билиб, яна тепкини босди. Ўқ тегмади, шекилли, бўри яқинлашиб кела бошлади. Яна кетма-кет учта ўқнинг ҳаммасини отди. Бўри унга қараб сакраганда нақд Комилнинг юраги ёрилаёзди. У ўзини тутиб олганида устида пахмоқ оғир бир нарсанинг ётганини ҳис қилди. Базўр уни тушириб ўрнидан турди. Охирги ўқ унинг бошига теккан, Комил сўнгги дақиқада қутулиб қолганди. У яна бир карра атрофига разм солди. Унинг олдида иккита катта кўк бўри чўзилиб ётарди.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 56. 26710 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.00 1 2 3 4 5 7 8